қийлик кучи пастлабганидир...

Азим Суюннинг "Кўзмунчоқ" шёърда эса сўзлар-
нинг хар қайсиси тўё жушқин қўшиқнинг авж парда-
ларига кўтариллишига имкон берган — маълум вази-
фни адо этган. Шёър тўзалликка муҳаббат, тўзал аёлга
муҳаббат рамзи каби жаранглайди:

Сеvgи...

Лекин сеvилмағим, ҳа

Шартми билмоқ ийлоқ кўшиқлар?

Бу гунёда, ахир, менсиз ҳам

Кўлибур ийлаб юрган ошқулар.

Қабр қилаб ёлғиз қалбимни
Мана кўнгим севгимни унги!
Ичга юшиб бутун дардимни
Тикламан зим-зим тунги...

Азим Суюн кўнгиладан тўкилган эхтиросми туйғулар сизга ҳам юқади. Қалбингиз ҳазин руҳдан жириллаб кетгандек бўлади. Қисқаси, шеърятга ошқин қалбларга назм боғларидан ширин мевадар тортиқ қилишга ошқингаётган ардоқли шоир Азим Суюн шеърларидан қониқиш ҳосил қиласиз.

Азим Суюн ижодига таниқли мунажжид Иброҳим Фафуров бежизга юқори баҳо бермаган: "Азимдан шеър худди момақаддири, тоғлар чақиндек чиқади. Бу тоғ момақаддири, тоғлар чақинлари, тоғларнинг ёқинлари эди. Шеър ундан адирлардан сурон солаб келадирган сел қаби ёғидай". Атоқли шоир Сирожидин Саййид эса Азим Суюннинг янги туркум шеърлари хусусида кўйидагича фикр юритади: "Умуман олганда шеърлар мавзун ҳар хил бўлса-да, шоир бу туркумда ҳам ўз ижодий йўли, услуб ва овозини содиқ бўлади. Ҳақиқатда, ўша бағрикенглигу ўша тоғдай заввор ва салмоқ ила ўқувчи кўнглини очади. Биз бунда шеърини илҳомни кўрмаймиз, шоир шикоят ва ё араз ҳам қилмайди. У шеър айтади, бу шеър билан ўқувчининг кўнгли ёришади, руҳи нурланади".

Инсон мусиқани нима учун эшитади? Нега одам бодаси юракни сел қилиб юборадиган кўшиқни тингашга интилади? Балки, бу ўзига хос сирли ҳол санъатдек қудратли кучда инсон руҳини алдлайдиган, унинг тоҳида самимиятга ташна қалбига ором бахш этадиган омидаларга муҳтожлигида эмасмикин?

Ўртангум, юратгим минг бўлак, бўлак бўлақ,
Сабаби қайлиқ юз, оқ биллак бўлақ.
Изуган бордиму, сўз геёлмагум,
Кенг йўл қайтаримга тор йўлак бўлақ.

Ҳаёингизда шу сатрларни ўқий бошладингиз дейлик. Худди кўнглингизга нур оқиб келадигандек, чарчоқ ва улғиббахш ҳисларга ташна дилнинг қониқиш ҳосил қилмаётганими? Балки, сиз ҳам ўша ой қаби сулув қизни кўргандек, нозаниннинг юзидаги сеҳрли гўзалликдан юратингиз ҳафриқиб кетгандек бўладигандир? Қаранг, сўзлар орқали инсон қиёфасини тиклаш мумкин экан-да. Мабодо "Юрати минг бўлак бўлди" сўзлари ўрнига "Хафа бўлдим" дея ёзилганида сизда қандай ҳол юз берарди? Эхтиром, ҳолат тасвири сода ва фарибифодаланганида қалбингиз хозиргидек жунбушга келмас, поэтик қаҳрамон ҳолатидаги маҳзунлик сизни ҳам бир пасда асир этмаган бўлур эди.

Шу тўрт сатрдаги фикрни қаҳрамонлар ҳолатини ифода этиш — ўқувчи кўз ўнгида намоён қилишга балки бир неча саҳифани қорааб ҳам муваффақ бўлиш мумкин. Аммо, юқоридаги мисралардан шеърни, фикрни сиқик ҳолда ифодааб ҳам ҳолатни тутал жонлантириш мумкин эканлиги аён бўладигити.

Шарҳини тополмай тилларим долдир,
Жон олдиурсанг, Этам,
Йўлни гунёда,
Шу менгсиз чиройини олдица олдиур.

Бунлар қалбдан қайнаб чиққан сатрлар. Сангардек қаршисидати ўйлар.

Севги деганлари шундай илоҳий қудратга эгаки, ҳар қандай киши унинг сеҳр-жоҳуси олдиде дол қолиши табиий. Ахир, ой қаби гўзаллар қимларни ром этмаган дейсиз? Унинг таърифини яланғоч, ҳиссиз ва совуқ мисралар орқали тасвир этиш, ўқувчи кўнглини санъат жозибасидан совутгани қаби бу мавзудаги эхтиросми сатрлар ҳар киши юратини чўе қаби ёндирди тўе:

Бу қангай рўй берди, қай лаҳза,
У нима сўз эди бир оғуз?
Юратгимга чакнади ларза,
Тойиб кетди оёқимдан из.

Термуламач, кўзгарим ўтмас,
Сен ёнимга эгингку хозир.
Тишларимни ёрар ҳайқириқ,
Эшитилмас нечун овозим?

Севишганлар ҳолатини тиник тасвир этиш учун сўзларни ортиқча исроф қилишга не ҳожат? Икки ёник қаб эҳтиросларини юқоридагидек, жонли поэтик образлар воситасида тасвир этиш мумкин эдику? Ошиқлар руҳий оламидаги туйғуларни бу қадар таъсири ифодадаш учун чиройли сўзлар қадаштириб ташланмаган. Сатрлар бағрида яширинган фикрлар сизни бевозга қилмаётганими? Эҳтимол, тўзал бир ёрта ўз дараингизни дастурхон қилганингизда рад жавобини олагач, сизда ҳам шу лирик қаҳрамондаги каби ҳолатлар юз бергандир? Вужудингиз ёзда чакнаган чакмоқ каби жунбушга келмаганингизга ҳеч ким ишонмаса керагов. Баки, париваш меҳри ва ишончига, рафбатига сазовор бўлолмаган бошқа минглаб кишилар ҳам шундай мушкул ҳолга тушгандир? Саъдулла Ҳаким фракат ҳаётнинг нури жихатларини куймаса ижоди келтик бўлиб қолар эди. Негаки, унинг тасаввур олами кенг ва шу орқали ҳаётнинг нурадариингизга эмас, сояларни ҳам тасвир этишни ниёт қилади:

*Бу ҳаётнинг тўлган поймонаси-е,
Оғам елкасидан оғам чикмишцир.
Замон ағашганлар замонаси-е,
Дўст гушман бир сафда қалам тутмишцир.*

У фикрни ривожлантириб, ойдинлаштириб бораверади. Юрагидаги армонлари, жароҳатларини қалам қураги бидан кўрсатишга интилади. Шеръаги ҳазин руҳ дараҳол китобхон қалбини асир этади. "Тафаккула" деб номланган бу асарни ўқиб туталмагач ҳаётдаги баъзи разилликлардан нафратингиз янада ортади. Энг муҳими, руҳингизни бутун вужудингиз бидан ҳис этган туйғу — яхшиликни ардоқлаш, ёмонликларга қарши ўт очиш туйғуси чулғаб олади.

Шоир "Шарҳи хола" шеърини ўқий бошлади:
...Кимману шу ҳолимга,
Бунчадар севар уа ёр.
Ишқи ила қонимга,
Қуяр илоҳий шарор.

Шундан сўнг буюк шоир Пушкин ҳақидаги янги шоирини ўқиб берди.
Саъдулла Ҳаким ижодкор руҳий оламини, унинг шодон ва дардли онларини тез илаб олади. Негаки, ўғиллардан руҳий тебранишлар ва ижоддаги тўлақонли онлар, изтироблар ҳамда фараҳли дамлар унга ҳам бевозга эмас. Шоирнинг Ҳамид Олимжон, Ойид Ёкубов, Акқод Муҳтор, Эркин Воҳидовга агаб битган сатрларини ўқиганда кўнглидан шундай ўйлар кечяди. Зулфия хотирасига бағишлаб ёзилган "Сайраб турган сайрон бўлбу", шеъри эса юракни дарзага келтиради. Бир ум хаёл денгизида сузгандек, ўтқинчи дунёнинг ташвишлари кўзингизга ниҳоятда баъқана кўриниб кетгандек бўлаверади:

*Сайраб турган сайрон бўлбу учушо-келци,
Маойликлар енгисиз либос бичу-ю келци.
Кимга қолди, во гариво висол шарбаши,
Айриликнинг талх болцини ичди-ю келци.*

Шеърни ўқиб бўлгач, кўнглига шундай фикрлар оқиб келаверади: Бу дунёга одамлар келаверади, кет-кетеради. Аммо, кимдир унда юлдуз каби бир зум нур таратса, яна бошқаси куёш каби ҳаётни ёритиб туради, ҳаёт отлик уммонда борлигини ҳеч ким бидмай ўтиб кетадиганлар кам эмас. Шу бидан баробар ёркин ва нури из қолдириб яшаш инсон умрининг баъзи эканлигини англамайдиганлар ҳам тадай. Умр даянлари тошқин даре, бир зумда оқиб ўтади-кетаяди. Уни маъноли ва саодатли ўтказиш ҳар бир кишининг сай-ҳаракатида ҳамда юраги тошқинлиги-ю ақду-заковатида боғлиқ, даян фикр кўнглингизда чарҳ

ураверади. Мусикийлик шетьринг қалби, мабодо сўзлари тушунарли ва сода, ғояси ўткир бўлган ҳолдаям сатрлар бағрига мусикий оҳанг сингдириб юборилмас экан. Бундай шёр ўқувчи қалбида акс-садо бериши гўмон:

*Тошли жойда оққан сув,
Сайраб, шарқираб оқар.
Тошларни пичоқардек,
Қайраб арқираб оқар.
Тошли жойда оққан сув,
Тошларни миниб оқар.
Ёмғирдек тиниқ оқар.*

Шоир Азим Суянга бағишланган бу шёрда табиийлик, фикрларнинг эркин оқими кучли, қисқа ва дунда фикрларга сингдириб юборилган мусикий рух ўқувчига ҳам "юқади".

Шёр Сатдулла Ҳакимнинг ўзи эътироф этганидек, қалб ва рух қанотидан тўкилган парлардир. Шунгина эмас, истеъдодли ижодкор фикрича, шёрвий мисрадар унинг "Одамларга... муносабатлари инти-коси":

*Кўргим келди сени жуда ҳам,
Типирчилар юрак орақиб.
Бу одамни унлииб шу дам,
Бормоқдиган хаёлга оқиб.
Топарманми ўша манзилдан,
Ағашмасми йўл олган йўлим.
Ёнишларинг бўлса чин дилдан
Кучоқ очиб чиқарсан, тулим!*

Сезяписизми, мисрадар бағрида бирор "ўсимта"ни учратмайсиз, шоир зўриқмайди. Одаий сўзлар муаллиф хаёли каби осойишта оқиб келаверади. Юза қисми тинч, шовкин-суронсиз дарёнинг туби шиддаткор, асов эканлигини янаям яққолроқ ҳис этасиз. Тавба, чиранмасдан, бирор мисрада қожилмасдан Абдулла

Ғиштов, Муҳаммад Юсуф сингари одаий мисрадарни интиб ҳам қалбингиз кўронини забот этиш мумкинми-ку? Айримлар тушунарсиз, бошқа тиллардан кинриб келган мураккаб сўзлар орқали тўзада шёр яратмоқчи бўлишади. Аммо, юқоридагидек, таниқли шоир ўткир Раҳмат қалбидан отилиб чиққан ёниқ ва шу билан баробар сода ва табиий сатрларни тиза қолдирмайди.

Ташбеҳлардаги табиийлик, фикрдаги изчилик, энг муҳими, ритм ва оҳангдорлик кўнглингизни ёриштириб, дилнингиз ғуборларини ювиб боравереди.

Муаллиф истеъдодининг қудрати шундаки, лирик қажрамоннинг аини пайтадаги ҳолати, руҳиятини кўз олингизга келтиради-қўяди, юраги муҳаббат оловида ёнаётган инсон туйғуларига сезни ошно қиллади ва сиз ҳам севиги изтиробларини бошдан кечиргандек бўласиз:

*Жилмайдинг, кўксимга қувонч бош кўйди,
Тумани хаёлар аста чекинди.
Кўнглимни қол-қора булушлар босиб,
Ёмғирдан ёмғирлар бир зумга тинди.*

Истеъдодли шоир ўткир Раҳмат ана шу тўрт мисрадаёқ қажрамон ҳолатини, ҳа, табиий ҳолатини кўз олингизга келтиради қўяди. Сиз ошиқ "кўксига бош кўйган қувонч"ни тасаввур қила бошлайсиз, қизнинг позик табассумидан сўнг чекинган тумани хаёлар қалбингиз тўридан жой олгандек бўлавереди.

Йигитнинг зимистон кўнгли тонгдек ёришиб кетди. Қаранг, ёрнинг биргина табассуми нималарга қодир! Ошиқ кўзларидан куйлаётган фам ёмғирларини ҳам тиндира олади. Мабодо, шоир ёр жиламайишидан қувондим, дея яланғоч мисрадар тизганда ўқувчи қалбига бунчалик эхтирос бахш этолмаган бўларди. Муаллиф эса фикрларини образли тарзда ифодалашга интилиб, "Жилмайдинг, кўксимга қувонч бош кўйди" дея қажрамон ҳолатини ўрнили ва оригинал ташбеҳлар воситасида тасвир этади:

Сендан кечомайман, ахир башмом,
Бисотимга менинг — гарбсан билимган.

Ҷша юлгузми тун-хаёл ва армон,
Ҳади мендан кечиб ташлаб кетмаган.


Хошчирот эркадаб теграмга турён,
Ҳаёл шулпоримга бермоқдиган эрк.

Сенгаз кўчаларга кирди тугён,
Висола кўчасининг гарвозаси берк.

Севги мавзуси не-не шоирлар юрагини тилка-пора қилмаган? Уткир Раҳматнинг юкоридати ўтми сатра-рини ҳам доқайд, эҳтироссиёз, хиссиёз ўкйи олмайсиз. Дирик қаҳрамон туйғулари сизга ҳам "юкади" ва бир зумда кўнглингиз саройини ишғол этиб, ажиб хис-сиётлар ҳосил қилади.

Шерьрият, таниқли ижодкорлар эътирофи эгганидек, илоҳий соғинч. Бу соғинч шоирларнинг юрагини ёнда-риб, гўзад мисрадалар тугйлиши табиий.

БҮЮКЛАР ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР



ФЁДОР ДОСТОЕВСКИЙ

Табиئيки, Лев Толстойнинг куйидаги нордон гап-ларига кўзингиз тушиши биданок буюк ёзувчига нисбатан нафратингиз ортмаса ҳам ҳарқандай, ҳеч бўлмаганда оғриниб, ажабланиб кўясиз.

— У жуда расво ёзади, атайлаб хунук ёзади, ҳа, ишончим комики, атайлаб, эркалик қилиб, шундай ёзади. У тилни зўрайди: "Овсар" да у "Танишувни сурбетларча тикиштириш ва афшандаштириш" деб ёзади. Чамамда, у афиша қилиш сўзини бегона, фарбча сўз бўлгани учун атайлаб бўзиб ишлагган. Аммо унинг тилида кечириб бўлмас хатоларни топиш мумкин. Овсар "Эшак — яхши ва фойдали одам", дейди-ю, бугча ҳеч ким қўлмайди. Ҳолбуки, бу сўзлар қулги кўзгайди ёки қандайдир эътироз уйвотди. Бу сўзларни уч опасингга олмада айтади. Улар эса овсарни қалака қилишни яхши кўришади. Айниқса, Агдая шундай. Бу китобни ёмон дейишади, аммо энг ёмони шукки, ундаги Мишкин эпиделетик. Агар соғлом одам бўлганида, унинг соҳададиллиги, беғуборлиги бизни нафтун қиларди. Аммо уни соғлом кўрсатиш учун Достоевскийда жасорат етишмаган. Ҳам у соғлом одамларни ёқтирмасди. У ўзи бемор бўлгани учун дунёни бемор деб биларди...

Достоевский ўзининг жинни қаҳрамонларидан ўзи ишонмаган максадага хизмат қилгани учун, ўзидан ва бошқалардан ўзини олиш учун яшайди, деб ёзади. Бу гапни у ўзи ҳақида ёзган, у ўзи ҳақида худди шундай дейиши мумкин эди.

Кейинчалик жаҳон адабиётида шох асарлар, деган олинган "Хўранган ва ҳақоратланганлар" (1861 йил), "Қиморбоз" (1866 йил), "Жиноят ва жазо" (1865 — 1866 йиллар, "Телба" (1868 йил), "Ўлик уйдан макрубадар", "Ака-ўка Карамазовлар" (1879 — 1880 йиллар) сингари номдир адабий обидаларнинг муаллифи сифатида шухрат қозонган улуғ адиб хусусида шундай хунук, ярашмаган сўзларни тилга олиш мумкинми? Лев Толстой хатто шунга ўхшаш шафқатсиз танқидий мулоҳазаларни дунё адабиётининг устундари сонланган В.Шекспир ҳамда Горький ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳам тап торгмай, ҳеч иккиланмасдан айтганлигига нима дейсиз? Демак, илгари буюклар бир-бирини айлмаган, юзинг-кўзинг демасдан ҳақиқатни очик-ойдин айтaverишган. Энди Белинскийнинг сўзларига эътибор беришингизни истардим: "Дермонтов кўп жихатдан Пушкиндан миннатдор бўлгани сингари, гарчи жаноб Достоевский ҳам кўп жихатдан Гоголдан миннатдор бўлса-да, лекин Достоевский аслини олганда асло Гоголнинг тақлидчиси эмас, балки ўзича мустақил талантдир ва розят зўр талантдир".

Достоевскийнинг тадангги шундай талантлар даражасига қирадики, бундай талантларни бирдан пайқаб бўлмайди ва улар бирдан манзур бўлмайди.

Добролюбов эса Достоевскийнинг "Бечора кишилар" қиссаси хусусида фикр юритар экан, захрини сочшдан тийилмайди: Ёзувчи яратган образларнинг аксарияти реалистик образлар бўлмай, балки "Хафсада билан тасвиранган ярамасликлар, ёвуз ва ҳаёсиз хусусиятларнинг йиғиндиси"дан иборатлигини қайд этиб ўтди. Добролюбов "Эзилган кишилар" мақоласи (1861 йил)да "Хўранган ва ҳақоратланганлар" романининг авра-астарини чиқариб ташлади.

Тўғри, Достоевский "Бечора кишилар"ни йигирма беш ёшда, "Ок тунадар" қиссасини йигирма етти ёшда ёзган. "Хўранган ва ҳақоратланганлар" романини эса

кирк ёшида яратганди. Демак, у хатто шу ёшида ҳам улуғ танқидчининг қамчисига бардош берган.

Гапнинг очиги, Достоевский қалтакни еб, жим кетаверадилардан эмасди. У 1861 йилдаёқ мақола ёзиб, унда бадиийлик тўғрисидаги масала устида мунозара бошлаб, Добролюбовни бадиийликни "камситишда", санъатта манфаатпарастлик билан муносабатда бўлишда айблади.

Насрий асарларини Лев Толстой, Гарсея Маркес, Марсела Прустдек машхур адиблар ҳаяжон билан мутолаа қилган улуғ ёзувчи Достоевскийнинг ҳаёти ниҳоятда қизиқарли, зиддиятли, айтиш мумкинми, хатто фожиаи бўлганлиги кўпларга қоронғу. Аввало, у дастлабки йилларда тўзукроқ ёстиқдошта ёлчиматанлигини таджикотгидаар афсус билан ёздилар.

"Бечора кишилар" қиссаси билан баҳор осмонда чакнаган чакмоқдек кўринган, ҳарбий кийимда камтарингина бўлиб юрадиган Достоевский Семипалатинскада юратли бир ҳапқириб кетади. Унинг нозик ҳиссийларга тўла кўнглини забт этган аёл шаҳар мансабдорларидан бири Исаевнинг хотини Мария Амитриевна эди. У билан учрашув шунчалик ҳаяжонли кечадикки, хаттоки улар бир-бирларига ошиқу-беқарор бўлиб қолишди. Кейин билсаки, Мария кўзни ўйнатар даражада тўзал бўлгани билан кўнглини айнитар даражадаги хунж жихатларга эга экан!

Биринчидан, тажаниглиги, сиркаси сув кўтармайдиган характери, қилиқлари жонга тегиб кетарди. Шундай аёлни нега севиб қолди экан? Бунинг устига ҳали эридан ажрашмаган бўлса... Бош оғриғи Мария Амитриевнани ҳоли-жонига кўймаётган бир паллада... яна жазманлик қилиш... Унинг муҳаббатига хатто Маряннинг кайсар, характери оғир ўғли ҳам ғов бўлолмади. 1821 йилда туғилган, ҳозиргача сўккабош бўлиб юрган Фёдор Михайловичнинг бирданлига ондали, болали аёлни севиб қолганлиги кўпларни ҳайратлантирди.

Аmmo, эри Исаевни жууда олис жойга — Кузнецка хизматта юборишгани учун Мария ҳам бирга кетиб

қолди. Энди беадад айрилик онлари бошланади. Солинчи хисси Достоевскийнинг юратгани ўртайди. Ниҳоят, Маряннинг эри ичкилик балосидан қаза қилади. 1855 йил август ойда кимдандир қарз олиб, уни дафн этади.

Камбағаллик Маряннинг жонига тегади. Бир неча кеча ухлай олмади. Қарзлари кўплайгандан кўпаяверди.

Севлиннинг кучи... Достоевскийнинг сабр-бардошлини қарангки, хатто Маряннинг эри ўлганидан сўнг ҳам бир ярим йил кутди. Сўнгра 1857 йил 6 февраль кўни уларнинг никоҳи бўлиб ўтди.

Лекин, хуриликко Мария характеридати салбий жиҳатлар — урушқоқлиги, жанжалқашлиги (Лев Толстойнинг хотини қаби), Достоевскийни безор қилиб юборади. Мария Амитриевнанинг бу хархашадари, айниқса, унинг ўпка сири дардига гирифтор бўлганидан кейин авжга минади. Турган гапки, бундай инжиқликлар айбонинг сеvgи оловда ёнган юратгани муз қаби яхлатиб юборади. Эндигина қад ростлаган оида кўрғонининг тиник кўзгусига дарз кетади.

Уларнинг никоҳи бўлиб ўтганидан уч йилдан сўнг иккови икки шаҳарда яшайди. Мария Москвада, Достоевский эса Петербургда истиқомат қила бошлайди.

1864 йил унинг ҳаётида фожиадар йили бўлиб қолди. Шу йилнинг 15 апрелида аёли Мария, 25 сентябрда дўсти ва сафдоши, шопир ва таржимон Аполмон Григорьев қаза қилди. Шу йилнинг ёзида тўсатдан акаси Михаил Михайлович оламдан ўтди.

Янада қийин кунлари бошланди. 1865 йилда пула топиш ташвишига тушиб кетди.

Мария улуғ ёзувчининг ҳаётида шундай ўчмас из қолдирадикки, уни хатто асарига прототиш ҳам қилиб олади. Негаки, ўзинг яхши билган, англаган инсоннинг характерини романда акс эттириш канчаллик ўнғай эканлигини яхши билар эди. Талантли адиб учун ўзи хис этган, кўриб билиб юрган, бевосита ништирокчиси бўлган воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш-

дан ҳам кулайи борми? Унинг баъзи романааридаги бир катор образларини эсласак айти Мария характери акс этганлиги, айнан ўхшашлигига ишончингиз ортади. Мисол учун, "Ака-ўка Карамазовлар" романидаги Грушенька, "Телба" асаридagi Настасья Филипповна образларига бир назар ташланг. Ёки адибнинг "Хўрданган ва ҳақоратланганлар" романидаги Наташа, "Жиноят ва жазо" асаридagi Катерина Ивановна образлари Достоевскийнинг илк аёли Мария Амитриевна характерига ўхшаш эканлигига хайрон қолманг. Табиийки, ёзувчи юқоридаги аёлларга Мария характеридagi ижобий томонларни, шунингдек, ундаги жиззакилик ва тажангликни сингдириб юбора олган. Оқибатда биз тилга олган романааридаги кучли характерларнинг табиийлиги, ҳаётийлиги таяминланган. Мана, "Телба"даги Настасья Филипповна характери санъаткорона чизилган саҳифага бир кўз югуртиринг:

— "Бас қилинг! — нафратланиб, юрати санчиб офригандай деди Настасья Филипповна. — Сиз ҳам мени худай... Дарья Алексеевичнинг оксоч қизига ўхшаб тушунбсиз, у бечора яқинда ўзининг қалмиги билан қозилашиб юрган эди. У сиздан кўра яхшироқ тушунганди...

— Афтидан, ҳалол, ўз меҳнати билан кун кўрайдиган қиз бўлса керак? Нега сиз оксоч қизга бунчалар нафрат билан қарайсиз?

— Мен меҳнатга нафратланиб қарайман, сиз меҳнат ҳақида моф урғанингиздан нафратланаман.

— Ҳалол бўлмоқчи экансан, кирчилик қилмайсанми бориб.

Улар ўринларидан туриб, ранглари ўчган ҳолада бир-бирларидан кўзларини узмасдилар.

— Агдая, тўхтанг! Бу адолатдан эмас. — Деб қичқириб юборди князь ўзини йўқотиб. Рогошин кулишдан тўхтаб, кўлларини кўкрагига чалмаштириганча лабларини қимтиб кулоқ соларди.

— Манавини қаранглар, — деди Настасья Филипповна қаҳри келганидан қалт-қалт титраб. — Манави

ойимчани кўринглар! Мен уни фаришта деб ўйлаб юрган эканман!"

Ажойиб танкидчи ва таржимон Иброҳим Фафуровнинг маҳорати билан ўзбекчада койилмаком сўзлаётган Настасья Филипповна диалоглар орқали характеридagi саббий ва ижобий жиҳатларни ўзи ошкор қилиб кўяди.

Достоевскийнинг тўртта асаридagi Мария Амитриевна феълига ўхшаб кетадиган образларда ижобий ёки характерида қора бўёқлар керагидан зиёроқ ўрин олган, деган фикрдан йироқмиз. Фақат улар, яъни биз тилга олган тўртта образда Мария Амитриевнага ўхшаб кетадиган жиҳатлар мўлроқ, димоқчимиз, хос.

Ранг-баранг, фоживаларга тўла характерлар яратган Достоевскийнинг ўзининг ҳаёти ҳам фоживаларга лиммо-лим эди. Унинг 27 ёшдаёқ Петрашевскийнинг сиёсий тўғарагида қатнашганлиги учун чор ҳуқумати томонидан осиб ўлдиришга ҳукм қилинганлигини бир эсанг. Ҳукм ижро этилиш арафасидагина сургун жазоси билан алмаштирилади. Тўрт йиллик азоб-қубоғлар — қаторга, олти йиллик Сибирь сургунни жабри... 1859 йилдагина сургундан озод бўлиб, Петербуртта қайтиб келади. Тақдир ёзувчинини фақат ёруе кунлар билангина сиёламганлигини кўрсатиб турибди.

У сургундалик йилларида: наҳотки энди кўлимга қалам ушламасам, агар ёзмасам ўлиб қоламан. Ўн беш йилга қамалсам ҳам кўлимда қалам бўлгани яхши эди, дегандек зорланди

Ўн йиллик сукут — қаторга ва сургун йилларида қовоз қоралашни тўхтатди. Ижодини дастлаб Некрасов, Тургенев, Салтыков-Щедрин, Гончаровлар билан даярди баравар бошлаган эди. Мана, орқада қолиб кетди... Дев Толстой эса алмақачон машҳурлик шохсупасига чиқиб оқди.

Энди ижодини қайтадан — иккинчи марта бошлайдими? У сургундан қайтганида 37 да эди. Бу ёшда, масалан, Пушкин ўзига ҳайкал кўйиб улгурган эди.

1856 йил 1 октябрда унга — Семипалатинскдаги 7-батальон харбий хизматчисига прапорщик унвони берилганди. 1859 йилда эса Омск қалъасининг собиқ сиёсий махбуси Тверь шаҳрида яшашга жўнатилган, ҳарбий хизматдан озод этилган эди. Мана, энди эркин кўш. Энди ижод...

Эхтимол, Сибирда сургуналикнинг жабуру жафоаридадан елкаси яғир бўлмаганида "Ўлик уйдан мактублар"дек ҳаётги, бадний жихатдан хийла пишик асар дунёга келмасмиди? Акс ҳолда, Сибир камқокхонасидаги чиркин ҳаёт тасвири бунчалик табиий чиқмаган бўларди, балки...

Таржимон Олим Отахонов Достоевский илгари сурган ролягина эмас, қаҳрамонлар руҳияти, ҳолатининг русча матндаги каби табиий чиқишига муваффақ бўлган.

Ва ниҳоят Достоевскийнинг ҳаёт осмонида бахт юлдузлари чаракдай бошлагандек туюлганди. Негаки, даниб эндигина йигирма икки ёшга қадам кўйган Аполлинария Сусловадан мухаббат эхтиросарига тўла ишқий мактуб олганди. Хотинининг инжиқликкаарига дош беролмаган ёзувчи учун бу айни мўддао эди. Бирок унинг ўйлари сароб бўлиб чиқди. Аполлинарияни қаттиқ севиб қолган бўлса-да, у ҳам дабннинг зимистон бўла бошлаган кўнглини ёрита олмади.

Достоевский адабиёт фондидан 1500 сўмлик заём олганди. Бу мабнағ ҳисобига улар Францияга боришмоқчи эди. Нима бўлди-ю, Аполлинария Парижга Достоевскийдан оқдин кетиб қолади.

Бу ҳам камлик қилганидай испаниялик бир киши билан ҳам танишиб олади. Аввалги, Петербургдаги ишқий кайфиятдан асар ҳам қолмайди. Улар ўртасида жаралик пайдо бўлади. Энг яхшиси, ажралиб кетиш... Чунки, у испаниялик йўловчига турмушга чиқмоқчи эканлигини очикдан-очик айтишдан ҳам уялмади.

Достоевский билан Аполлинария кўп ўтмай биргаликдаги ҳаётга нуқта кўйишди: кечалина бир-бирларини жонидан ортиқ кўрган кишилар ажралишди-кўйишди.

Уларнинг севиғиси юдуз каби тез сўнишида, аксарият тақлиқотчиларнинг фикрича, Фёдор Михайловичнинг айби камрок. Негаки, Аполлинария севиғиси омонат эканлигини кейинги йилларда янада яққоладек намоён этади. Биринчидан, умр йўлдошга ёчимлади. Иккинчидан, ким билан оила яшени боғламасин сал ўтмай чирт этиб ўзидиб кетаверди. Мисол учун, кирк ёшни қоралатганида эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган файдасуф В.Розановни ёқтириб қолганди. У Розановга ҳам вафо қилмади: кўл силтаб кетиб юборди.

Табиийки, Достоевский ҳаётининг маълум бир қисмида ўчмас из қолдирган Аполлинария Суслова Достоевскийнинг юрагида қайсидай жихатлари билан муҳрланиб қолганди. Шу босидан бўлса керакки, бу ўзига хос ҳурилиқо ва фикру-ўйлари тез ўзгариб турадиган дёл қиёфасини асарларида гавдалантиришга ҳам имкон топа олади.

Мана, масалан, "Қиморбоз" романини олиб кўринг. Ундаги Полина образи қай жихатлари билан ёдингида муҳрланиб қолади? Унинг характеридаги қай томонлари сизга ёқмайди-ю, қайси жихатлари маълум? Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳаёдаги Аполлинария Суслова билан романдаги Полина бир-бирларига жуда-жуда ўхшайдилар. Ва англайсизки, даиб Сусловани Полина образига прототип қилиб бекорга олмаган экан!

Куйидаги гап-сўзлардан Полина характери бутун бўй-басти билан аён бўлади:

— Мен ҳам унга бир нарса бўлса керак, деб юрарман, — деди ўйчан ҳолда Полина Александровна.

— Э, вой, бунинг зўрлигини кўринг, — деб қичқириб юбордим мен, — пул учун тегмоқчи экан, шунчалар ҳам сурбетлик бўладими. Андиша қилиб ўтиришмайди, юзингда кўзинг борми, дейишмайди. Мўъжиза! Кампирни айтмайсиз, ахир бундан ҳам ифлосроқ на қулдилроқ иш бўладими? Телеграмма устига телеграмма жўнатиб, ўлдими, ўлдими? — деб сўрашини айтинг, а? Сиз бунга нима дейсиз, Полина Александровна?

— Күриб кетсин хадмаси, — деди у нафратли күзйб сўзимни бўлар экан. — Мени хайрон қилдэгган нарса бошқа, нега бунча оғзингиз қудлоғингизда? Мунча суюнмасангиз? Наҳот менинг пулимни ютқизиб қўйганингиздан хурсандасиз?

— Нега унда менга пул бердингиз? Сизга айтдим-ку, бошқадар учун, яна бунинг устига сиз учун ўйнай олмаيمان, деб. Менга нимаики амр этсангиз, бажараман: лекин нагижаси менга бовалик эмас. Ахир, бундан ҳеч нарса чиқмайди, деб огоҳландирдим. Айтгинчи, шунча пулни йўқотганингиздан каттиқ хафамисиз? Нимага керак сизга шунча пул?

Шу залда романни ўқишни давом этасиз. Англайсизки, муаллиф ҳам Полина образига муносабатини ошкор этмайди. Аммо, шундай бўлса-да, яъни Полина образини қоралаш ёки ёқлаш йўлини танлаган бўлсада, асар сўнггида Полина ўзига хос мураккаб образ эканлиги ойдинлашади. Унга қайсибир жиҳатдан ачинасиз. Айрим тафсилотларни ўқиб эса-да, инсон қисматидан, ўзига аталган тақдирдан қочиб кутулиб кетолмайди-да, деган фикр хаёлингиздан ўтди бенихтиёр. Таржимон Иброҳим Фафуров асар тасвиридаги соддаликни, қаҳрамонлар характерларидаги табиийликни, воқеалар ривожидати ўтқир Драматиэзми ўз ҳолича, "камбағаллаштирмасдан" ўқувчига етказди олган.

Достоевский асарларини ўқий бошлашингиз биланок доно бир инсон билан суҳбатга киришгандек бўласиз: унинг қаҳрамонлари юритган мулоҳазаларда фалсафий фикрлар, хикматли сўзлар, фразеологик иборалар барқ уриб туради, руҳингиз озик олади, фикрингиз кенгайди. Таниқли адиб Хуршида Аўстмуҳаммад ўзбекча сўзлагган бундай қаҳрамонлар сизга бирпасда ёд бўлиб кетади, мушоҳадалари қалбингизни асир этади, дилингизга ёруғлик олиб киради...

Мана, айрим мисоллар:

Тақдирдан қочиб кутулолмайсан.

120

Сиз ҳамма нарсани юратдингизга ҳамдан ташқари яқин олаверар экансиз, шу боис сиз доимо энг бахтли қаро одам бўлиб қолаверасиз.

Эргалаб кета туриб назарингиз ажойиб чехраларга тушса кун бўйи ўзингизни бахтиёр ҳис қилиб юрасиз.

Биз бахтсизлик онларимизда ўзгаларнинг бахтсизликларини кучлироқ ҳис қиламиз, ҳиссиёт парчаланмайди, балки жамланади.

Унинг теббалиги ҳақиқатга нисбатан кучлироқ. Пул балисоли кабутарга ўхшайди, учиб келади, учиб кетади.

Бахтсизликни тотиб кўрган одам билан икки қарра эҳтиёткорроқ муомада қилмоқ керак.

Аҳмоқроқ бўлсанг, дунёда маза қилиб яшайсан.

Ночор одам шубҳали туюлади.

У тентак, бу ҳақда сиз билан баҳслашиб ўтирмайман, эҳтимол, рисоладати одам тентакнамо бўлмоғи афзалроқдир, қаёқдан биласиз?

Одам ўзининг кўргуликларини ҳисоблашни ёқтиради, бахтини эса санаб ўтирмайди.

Аввалбош одам яшашни ўрганиб олмоғи, кейингина ўзгаларни айбламоғи керак.

Тавқи даънатга учраган худдобеҳабар оилаларда меҳр-муҳаббат бўлмайди... Муҳаббатдан бенасиб жойда фаҳм-фаросат ҳам йўқ.

Муҳаббат — худонинг синонати, шу боис унга даҳадор нимаики юз бермасин, бегона кўздан асрамоқ керак.

Инсон ҳар нарсата кўниқувчан мавжудот.

Ҳеч нарсадан хайратланмасмик энг улуғ фазилат.

Пул — зарб қилинган озордик.

Аристонлар меҳнат билан овунмагандарида борми, бир-бирларини шиша идишта қамалган ўрғимчаклардек ёб биттирар эдилар.

Адоқсиз севиш адоқсиз худбинлик ҳамдир.

Инсон табиаттан зумкордир ва у зум ўтказишни ёқтиради.

Энг тубан одам ҳам — одам.

121

Кечиримди бўлмаганларни худо кечирмайди.

Ота қараганини худо қарғайди. Деълар баъзан ҳеч қандай ваз-сабабсиз ўзларини бахтсиз, таҳқирланган ҳис қилгилари келиб қолади.

Қамбағаллик айб эмас, аммо-лекин қашшоқлик айб.

Таъбиркор кишилар тортинчоқ бўлмайдилар.

Аллоқчиликни ўлғудай ёқтираман. Адамчилик барча жонзоғларга нисбатан олганда одамнинг бирдан-бир илтиёзидаир. Адамсанг — ҳақиқатга етасан. Адамлашманми, демак, одамман.

Ақли ўтқир бўлмаганларгина тўррисўз бўлмайлар.

Русиянинг барча истеъдодли ва илмор кишилари ҳаммавақт қартабоз ва арокхўр бўлганлар, ҳозир ҳам шундайлар, кейин ҳам шундайлигича қолаверадилар.

О, дўстим, никоҳ ҳар қандай маълуб қалбнинг, ҳар қандай мустақимликнинг маънавий ўлимидаир.

Одам ўзининг бахтли эканлигини билагани учун ҳам бахтсиздаир.

Ҳеч нарсадан хайратланмаслик, турган тапки, донолик эмас, аҳмоқлик аломатидаир.

Хоҳаганнингта етишмогинг учун ҳам ақл берилган.

Аблах одамлар ҳалол одамларни яхши кўрадилар.

Даҳрлар ва кашфийғчилар қаерда бўлмасин иш бошлаган чоғларида (кўпинча иш сўнггида ҳам) жамият уларга теваба бўлиб қолган одам деб қараган.

Кимдан кўрксанг, ундан нафратланмайсан.

Туш кўрган пайтингизда ақлингиз доим ўзингизда бўлмаганлигини ҳаммадан оқдин эслайсиз.

Кўрқув ҳар хил ёрмонлар оқибати.

... Фёдор Михайловичнинг "Қиморбоз" романи ёзилиши тарихини ёдга олсангиз қулимни ҳам, ачинини ҳам билмай аросатда қоласиз. Яшай деса, чўнғатига пули бўлмаса. Нима қилсинг? Адиб икки ўт орасида қолади. Бугеги ношир Степановский билан шартнома тузиб қўйган. Вақт эса зувиллаб ўтиб кетаётир. Шартнома муафати туташига бир ойдан мўдрок фурусат қолган. Пул излаб қаякка бошини урсинг?

Аслини олганда роман сардавҳасини "Қиморбоз" деб қўйгани йўқ. "Рудетенбург" дея номлаган эди. Тўри, тафсилотлар, ҳатто қаҳрамонлар характери, ҳатти-ҳаракатларигача миқдада пишитилган. Энди уни ёзишнинг имкони йўқ.

Шундай, икки оёғи бир этикка тикилган дилтанг кунлардан бирида таниш-билишлардан бири жонига оро қиради. У роман матнини тезда кўчириб бериш мумкин бўлган стенографистка қиз топиб беришини маълум қилади.

Табиийки, адиб суюниб кетади. Анна Григорьевна Сниткина деган қизни унга тавсия этишдади. Эндигина йитирма ёшни қоралатган қиз ёзувчига дастлаб ёқмайди. Адиб қирқ ёшдан алақачон олиб кетган эди. Икки марта уйланган, бунинг устига камбағал, касал-манда киши бу қизга унчалик эътибор ҳам бериб ўтирмайди. "Кечкурун келинг, баки ишлаб кетармиз".

Гимназияни туталмаганига унча кўп бўлмаган қиз дастлабки кунлари ишлари унчалик ўнгидан келмаганлигидан хижолат бўлади. Ахир, у ана шу — рўп-расида турган машхур адибни кўришни, у билан турли килишни хавас, ҳатто орзу қилганди. Ажойиб асарларини ўқиб, хузурланган, романлари, киссадари ёлгинасида турган ўша таниқли адиб ишта тақдиф қилиб ўтирса... Бундан ортиқ бахт борми? Табиийки, қиз дастлаб суюниб кетганди. Ишлаш кечкурун соат сиккизга қолдирилгач эса, негадир кўнгли бироз ғаш бўлди.

Нима бўлса бўлар, деб кеч тулиши билан яна келди. Лекин, омадни қарангки, ёшлари ўртасидаги фарқ катта бўлса-да, улар тезда тил топиб кетишди. Юмушлари бароридан келди.

Ҳатто Анна Григорьевна дастлаб ўйлагани каби бой-бадавлат бўлмаса-да, хийлагина жаҳддор бу адибга кўпинки ҳам қолди. Ёзувчининг инжиқликлари, касалмандлиги уларнинг иноқлашувига ҳалад бермади. Фёдор Михайловичнинг ўта қашшоқлигига эътибор ҳам бермагандек бўлди.

Улар бир-бирдари билан апок-чапок бўлиб, худди ака-синглилардек ўрганиб қолишди. Хатто бири иккинчисини сал вақт кўрмаса туроммайдаган даражада соғинадиган бўлишганини айтмайсизми?

Турган гапки, стенографистикага айтиб ёздирилган асар хаттоки ношир Стелловский белгиланган мўддатдан олдин 1866 йил 29 октябрда тугалланди. Бунда ёқимтой киз Анна Григорьевнанинг улкан ҳиссаси борлигидан кўз юмиб бўлмас эди.

Илк муваффақиятдан руҳланган адиб янада енг шимариб ишлаш бошлади. "Жиноят ва жазо" романининг давомини ҳам ёзишга киришди.

Гапнинг очиги, дастлаб Анна ёзувчининг ўзи ўйланганчалик эмаслигини билгач ваҳимата тушиб қолади. Тавба, Достоевский олдига кўйилган таомни ёғоч қошиқда тановла қиларди. Бунинг устига кўлига пула тушса олд-орқасига қарамасдан харж қилиб юбора-верарди. Гўё маданиятдан узок одамдай тузукрок қийинишни ҳам билмаслиги уни хайратга солади. Энди бўлса мана шундай одамни бир кўришадёк ёқтириб, севиб қолганлигига нима дейсиз?

Тавба, муҳаббат кўйиш учун бошқа тузукрок, чиройлирок, ёшрок киши куриб кетганмиди, дейсиз беихтиёр. Фёдор Михайловскийнинг фақат машхур ёзувчилигини демаса. Жаҳли ҳамиша бурнининг учида турадиган, кирқдан ошиб кетган одамни севиш...

Достоевскийга ҳам осон тугтиб бўлмасди. Деги Аполинария бошқага турмушга чиқиб кетиб қолган, ўтай ўғлини боқилга мажбур эди. Шу боисдан бир оксоч аёни хизматкорликда сакдаётган эди. Бунинг устига қашпоқлик елкасини эзиб мажаклаган, норози киефдаги бу одам Анна Григорьевнадек ёшгина соҳибжамол қизга ёқиб қолганлигини қаранг.

Анната дастлаб: эллик сўм пула беради, ўша адибга бироз ишлаб бер, дея тайинлашганди. Аммо, қиз ўзи ўйлагандек бўлмади, кайтанга адибга бутунлай борманиб, уни кўрмаса туроммайдаган даражага етди.

1867 йилнинг 15 февралда никоҳи бўлиб ўтди. Улар то адиб вафот этгунга қадар — 1881 йилгача бирга яшашди.

Фёдор Михайлович казо қилганида Анна эндигина ўттиз бешта қадам кўйганди. Аммо, адибдан бир неча фарзандлар, ўнлаб шох асарлар қолганди.

Анна Григорьевна ёзувчининг оғир ва уккубатли ҳаётига шерик бўлди. Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, аввало муҳтожлик Достоевскийнинг елкасидан эил-замбил юк бўлиб босиб туради. Иккинчидан, ундаги тутқаноқ дарди анча йиллардан бери азоб берарди.

Бунинг устига Сибирда сургунлик, каторга йилларидати азоб-уккубатлар асорати безовта қиларди. Бу ҳам камлик қилганидай ёстиқдошга ёлчимаслик, ҳадеб умр йўладошни янгилайвериш...

Аслини олганда Достоевскийнинг мучали чаён бўлиб (24 октябрдан 22 ноябргача туғилганлар шу мучалга тегишли), бу даврда дунёга келганларга куйидагича таъриф берилган: Мучал соҳибни жуда хиссийетта бой. Ташқи кўринишидан босиқ бўлса-да, жаҳли тез.

Агар уни севиб қолсангиз жуда кўп қийинчиликларга бардош беришингиз керак. У ҳеч қачон туйиқларни очқадан-очик намоён қилмайди. Сизни купчилик олдига изза қилиши мумкин. Шунга босиқлик билан чидасангиз бахтга эришасиз.

Бу мучал соҳибини бир кўрган одам ҳеч қачон унутмайди. "Чаён" кишиларнинг хотирасида ё қувнок, дилкаш ёки жаҳадор камтап одам киефасида сакланиб қолади. Уни ҳеч қачон енгтиб бўлмайди. "Чаён" тўзалликка бойлик шайдоси. У ҳамиша севиб яшайди.

Достоевский характерида, ўз мучалида таърифланганидек, фазилат ва қусурлар йўқ эмас. Лекин, Анна Григорьевнага ўйланганидан кейин сержаҳлмти бироз йўқолгандек, ҳаётдан мамнунлик ҳисси унинг зимистон кўнглини чарғон этгандек бўлди.

Аммо... Барибир, нима бўлганида ҳам Достоевскийнинг ўлим жазосига маҳкум этилганлиги унинг руҳи-

ятига қаттиқ таъсир этган кўринди. Акс ҳолда, ижоднинг асосий қисмини ўлим мавзуи етатлмаган бўларди.

"Масъума" ҳикоясидаги тафсилотлар, Раскольников образини ("Жиноят ва жазо" романидаги) бир эсланти. Уларда ўлим даҳшати сизни ҳам ваҳимага солади. Айиб ўлим жараёнини, ҳолатини бир қатор асарларида эринмасдан, ҳафсада билан тасвирлайдики, демак, ёзувчининг ўзи бир вақтлар ўлим жазоси ижросини ҳаяжон билан кутаётганида кўнглидан ўтган адоқсиз, қайғули ҳис-туйғулар романдари, қиссалари, ҳикоялари тасвирида кўла келган. Мисол учун "Кулгили одамнинг туши" ҳикояси (Мирзааҳмад Олимов таржимаси)ни ўқисангиз ўлим ҳақидаги тасаввуруларингиз янада кенгайтадигини ҳис этасиз. Бир қарашда Достоевский асар тасвирида эзмалик қилаётгандек туюлади. Диккат билан мутолаа қилган киши бу сўзамомлик эмас, балки тафсилотлар, воқеалар, образлар таққики, ўзига хос бағафсиз тасвир усули, мавзунини яқдан ёритиш, унинг туб-тубидаги номаълул мўъжизалар билан китобхонни ошно қилиш усули эканлигиа ишончингиз ортади.

Достоевскийни қийнаган, унга ҳампиша руҳий азоб берадиган нарсалар одамнинг аёлларидан келадиган хатлар эди. Буни сўнгги умр йўладоши Анна Григорьевнанинг кўнадалигидаги куйидаги ёзувлардан ҳам илғаб олиш қийин эмас: "Кўп ўтмай ҳаёлимда унга қайтиш ва Фёдининг ёзув столидан топишган хатни ўқиб фикри чакмоқдай ялғ эрдим. Амбатта, эркак кишига ёзилган мактубни яширинча ўқиб яхшимас. Аммо, бундан ўзимни сақлашга курбим етмади. Хат С.дан (Айибнинг иккинчи аёли Алголинари Суловадан — тарқид бизники — Ж.Х) эди. Уни ўқилганим сари шунақа ҳаяжонланиб кетдимки, очиги нимда қилшини билмай қолдим. Бир пайтлар боғланган кўнглилар шафағи боз ёришаётгандай, унинг менга нисбатан ишқ юлдузи сўнаётгандай туюлди. Бундан даҳшатга тушмай бўладими? Эй худо, менга бундай бахтиқароликни юбора кўрма. Мен буткула ғамга ботдим". Бошқа бир кунни эса Анна Григорьевна куйидагича зорланди:

"... Аҳволимиз оғир ва таянч нуқтасини тополмасдан азоб ва ташвишда юрамиз. Бу ночор аҳводдан чиқишимизга ўзинг кўмак бер, худойим. Агар тирикчилигимиз кўнглимиздек, пулимиз етарли бўлганида эди, ўрта-миздаги муҳаббат хақи дунёда биздан бахтлироқ кимса бўлмасди. Уйга қайтганимга ярим соатлар бўлганида қовоғидан қор ёғиб Фёда кириб келди. Чойга ўтиртанимизда менга атайин столи итариб кўзипсан, дег гап қилди".

Достоевский аёли кўнадаликларида айибнинг инжикликлари, кўрс ва тажанг бўлиб юрган қувлари ҳақида ҳам бағафсиз ёзини унутмаган: "Уйкум қочиб, ўзимни кўлга ололмай турганимда хириллашадан бирдан Фёдини тутқанок туттаётганини сезиб қолдим. Очиги, худо оҳимни эшитган кўринди. Сонечка ё Миша (туфиллиши кутилаётган фарзандларимизни шундай атамоқчи) ҳозирча тутқаноқдан бирор-бир зарар кўртанича йўқ. Кўп синадим. Тутқанок олдидан уйкум қочган ё ухломлаётган бўлман, бунақа кўрқиб, довлараш бўлмайди. Ишқидиб, бодамизининг тўрт муъаси тутал бўксин-да.

Шу даҳзадаёқ тушлагимдан учиб туриб, шамни ёқдим ва унинг олдига бордим. Менимча, бу сафарги тутқаноқи кучли бўлган, у қучсиз, ҳатто қучсизгина ихраб кўярди. Ё раббий, унинг шу даҳзадаги қиёфасига боқсангиз эди. Азобдан бўришган юзини кўриб қаладагим учиб кетди. Гўё тўнғиб қолгандай, аиникса, бурни кўқариб етарди. Ўлиб қолдией, деб ўйладим. Бундан мени даҳшат босди".

Эру хотин ўртасидаги бундай даҳшатли манзаралар уларнинг ҳаётини "безаган", кўнгли ўларини обод қилган, деб ўйлайсизми? Бу воқеалар ортида руҳий эзиллилар, диалектикалар... Аммо, буларнинг бирортаси Анна Григорьевна билан Фёдор Достоевский ўртасидаги тенгсиз буюк муҳаббатга раҳна соломмайди. Уларнинг сўнгги қувларигача бир-бирларига садоқатли, меҳр-оқибатли бўлишди. Уларнинг биргаликдаги ўн тўрт-ўн беш йиллик ҳаёти севгининг қудратини

намоён этди. Ҳалимидан тўрт йил аввал Петербург Фандар Академиясининг мухбири аъзолигига сайланган Фёдор Михайлович рус адабиётида Лев Толстой билан даярми тенг тилга олинди. Шундай бўлсада, мақола-миз бошланишида Лев Николаевичнинг ҳамкасби хусусидаги танқидий мулоҳазадарни келтириб ўтгандик. Ижода-ку фарқ кам экан, хўш, уларнинг ҳаётида кандай тафовутлар бўлганлигини эшитганмисиз?

Худо Лев Николаевични бойликдан, мол-дунёдан қисматланлигини яхши биласиз. Ҳатто кашшоқларга тарқатиб берганлигидан хабарингиз бор. Фёдор Михайлович бўлса бутун умр камбақаллик азобини тортган. Ҳамиша одамлардан қарз олиб, улардан кутулаш пайида бўлган. Ҳатто тезроқ асарини тугатиб, қарзини узармикинман, дея ҳадиксираб яшаган. Лев Николаевич эса... Софья Андреевнанинг ёзишича, у оиласи учун айтарли бирор куч-қувватини сарфламаган, бо-лалари учун ҳеч нарса қилмаган.

Ҳаётининг сўнгги йилларида Достоевский умр йўдоши Анна Григорьевнадан миннатдор бўлиб сўзлайди. Лев Николаевич эса аёли Софья Андреевнадан (ҳатто иккаласи бир-биридан) зорланиб гапирди. Булар оилавий ҳаётда икки буюк ёзувчи икки одам бўлганлигини кўрсатади. Иван Волигиннинг "Достоевскийнинг сўнгги йиллари" китобида булар ҳақида батафсил фикр юритилган. Ҳатто шундай худосага келиш мумкин, Лев Толстой оилани биринчи ўринга қўймаган, вақтини ва куч-қувватини ижодага бағишлаган. Достоевский ҳам бутун умрини асар яратишга сарф этгани ҳолда асарларидан кун кечириб учун ҳам фойдаланишга мажбур бўлган, шу орқали пул топишга интилган.

Шахсий кутубхонамда бундан қирқ бир йил оқдин нашр қилинган "Хўрланган ва ҳақоратланганлар" романи (Ҳабиба Зиёхонова таржимаси) анча йиллардан бери сақланади. "Теба" ва "Жиноят ва жазо" китоблари ҳам турли йилларда босилиб чиқди. Негадир Олим Отахонов улуғ ёзувчининг "Ҳақ уйдан мактублар" романини тўлиқ таржима қилмади. Тоҳир Малик, Ну-

бек каби таржимонлар ҳам бу борда анча иш қилишди. Иброҳим Ғофуровнинг машаққатли меҳнати туйғайми буюк ёзувчининг бир қатор асарлари ўзбек тилида босилиб чиқди. Аммо...

Рус адабиётининг айрим бебаҳо дурдоналаридан ўзбек ўқувчилари ҳамон беҳабар қолишаётди. Достоевскийнинг ўн беш томлик асарлар тўплами (фақат рус тилида) кутубхонамда сақланаётди. Лекин ўзбекча қачон нашр этилади? Бутун дунё китобхонлари уларни сезиб ўқийётган бир пайтда таржимонларимизнинг муараб ўтиришларини сира ҳазм қилиб бўлмайди. Адиб адабий меросининг эҳтимол ўндан бир қисмигина ўзбек ўқувчиларига тақдим этилганлигини унчалик мақтанаядиган ҳол, деб бўлмайди. "Йолисар", "Хилватдан мактублар", "Неочка Незванова", "Амакиннинг туши", "Бечора кишилар", "Степанчикова кишлоғи ва унинг фуқаролари" сингари ўнаб асарларни қачон ўзбек тилида мутолаа қилдимиз? Китобхоналар унинг "Ёзувчи кундалиги" (1873-1880 йиллар) публицистик асарини, "Ҳатлар"ни, "Ҳикоялар" китобини она тилида ўқишни жуда-жуда орзу қилдилар.

Шу ўринда дунёнинг гениал адибларидан атиги икки нафарининг сўзларига бир эътибор қаратиш ўриндир. Мана, Г. Маркес фикри: "...ўз оқдинга юксақ намуналарга тенглашиш вазифасини кўйиб ёзининг лозим. Мен учун ана шундай намуналар Софокл, Достоевский ҳисобланади". Ч. Айтматов фикри: "Толстой ва Достоевский ҳақиқий классикалардир".

Ҳеч шубҳасиз, Шекспир, Толстой сингари Достоевский ҳам жаҳон адабиётининг чўққиларидан бири саналади. Унинг сермашаққат ҳаёти биз учун қанчалик қизиқарли бўлса, сермахсуд ижоди ундан ҳам аҳамиятли ва қадрлидир. Шундай экан, бутун ҳаётини инсонни ўрганишга, унинг ички тўзалмиқлари ва ма-разлиқларини тадқиқ, кучли оғраалар орқали бадиий тасвир этишга бағишлаган улуғ ёзувчи ижодини мутолаа қилишга ҳамиша вақт топишимиз зарур. Достое-

евский асарлари инсонни яшашга ўргатади, ҳағоардан сабоқ чиқаришга ундайди. Инсон қудрати ва фожеси ҳақидаги ғамгин кўшиқ каби янграйдиган бу бебахо аўраоналар ҳали асрлар оша одаamlарга наф келтиришга ишонгинг келди.

Америка адабиётининг машхур намоёндаларидан бири, Нобель мукофоти соҳиби Уильям Фолкнер ҳағларидан бирида Достоевский чиқиб олган юксаклик тенгдошларидан ҳеч бирига (ҳатто Эрнест Хемингуэйга ҳам) насиб этмаганлигини марҳум билан тан олганди.

Улуғ дидлар ҳам ҳавас ва ўқинч билан сўз юритган Достоевский ижодада канчалик юксак чўккинни забт этмасин, ҳаётда машаққатлар унга ҳамиша ҳамроҳ бўлганлиги дунё китобхоналарининг аксариятига қоронғилигича қолиб кетаётганлигидан афсус чексан, киши.

ВАСИЛИЙ ШУКШИН

Улуғ истеъодларнинг бари ўта ақлли ва сода бўлди. Деганди ижодкорлардан бири қолиб. Бу сўзлар ёнғон эмаслигига ишонгинг келди. Буюк дидлардан саналган Василий Шукшиннинг кизи Марьянинг отаси ҳақидаги хотираларини ўқиб кўринг: "Дадам мен билан Ольгдан жонини ҳам аямасди. Мен касалманда-роқ эдим. Улар қаравотимда соғлаб ўтирарди. Дадам уйда бўлганларида ойимдан болаларни ўзлари уҳхатгани ётқизишни сўрардилар. Фақат дадамгина бизга кечалари эртас айттар, воқеаларни йў-йўлакай ўзлари тўқиб кетаверардилар. У киши энг яхши энага эдилар. Отам хонасида чека бошласа, мен ситаретасини олиб, яшириб кўярдим. Мента унинг "Машенька, ситарета бер", деб орқамдан юриб ялиниши ёқарди. У бутун эътиборини қаратиб, тобе бўлганлигидан даззатланардим. Мен у кишини соғинардим, ёнимда бўлишларини истардим, чунки дадам кўп вақт сафарда бўларди".

Ўзи бор-йўли кирк беш йил умр кўриб, унинг асосий қисинини оадий одамлар орасида ўтказган (Сроост-ки қишлоғида 1929 йилда туғилган) одам канчалик сода, оадий бўлганлигига бундан орттик дадилнинг хожати бўлмаса керак.

Таниқли ёзувчилар — Ўткир Ҳошимов билан Хайридин Султонов таржимасида нашр қилинган ҳикоялар тўлқамини бир ўқиб кўринг. "Қишлоқлар" ҳикояси билан бошланадиган бу мажмуа "Чол, қиз ва офтоб" дея номланади. Асарни ўқий бошлашингиз биланок: одам ҳам шунчалик қишлоқи бўладими? Деб хайратланасиз, Маланья бувиннинг содалиги, Москвага келишни таклиф қилган ўғлининг хатини ўқиб, канчалик саросимага тушиб қолганлиги кулпингизни қис тайди, бувига на ачинини, на унинг устидан қулишни ҳам бидомай хайрон бўласиз. Маланья бувининг невараси Шурката маслаҳат солиши, Москвага — ўғлимниқига борсамми-борсамми, дея иккиланнишлари фирт қишлоқ аёли характери эмасми?

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Айти ун олати йилгина қалам тебратган адиб баъзи ижодкорлар эдлик йил ёзиб ҳам уадалаёматан укан ишни — сермахсула ижод хирмонини ташлаб кетди. Ярим мингта ҳикоя яратининг ўзи бўладими? Аммо, йирик наслирий асарлари кўп эмас. "Эрк бертали келдим қошингта" ҳамда "Любавиналар" романаариниғина ёзиб тугатишга улгурган. Бундан ташқари учта қиссаси ҳам бор. Уларнинг орасида "Хўроз уч қичқиргунча" (Сулаймон Раҳмон таржимаси)ни қайта-қайта ўқитинг келаверди.

Муаллиф услуби ҳам бошқача. Асар нуқул диалоглар асосига қурилган иморатни эсхатади. Унинг иппи ҳам, пойдевори ҳам бошдан-оёк суҳбатлар, икки-уч кишининг гурунгларидан иборат экан, деб ўйлайсиз. Лекин, Абдулма Қаххорта ўхшаб диалоглар орқали қаҳрамонлар характериини шундай қойилмақом тасвираганки... Ҳатто ўша образга прототип қилиб олинган киши: ёпиримей, мента худди қуйиб қўйгандек ўхшар экан, феда-атвори-ни айтмайсизми? — дея хайратланиши тугган гап.

Диалоглар асосида асар яратилишининг хатарли томонлари ҳам йўқ эмас. Ўқувчи зерикиб қолиши мумкин. Аммо, Василлий Шукшин бундай хавотирга ўрин қолдирмайди. Китообхон кизиклишини бир меъёردа сақлаб туриш учун Арамастик конфликт тизилишини бир маромда ушлаб туради. Қиссани ўқиган сайин конфликт иши тарантлашиб кетаётганлигини хис қилиб турасиз. Ва шу боис ўқувчи асар воқеалари қандай тарзда турар экан, дая худди чўғининг устида ўтиргандай сабрсизлик билан кута бошлайди. Асар воқеаларининг ичига гўё кириб олади-да, ундан чиқиб кетгиси келмай қолди. Афтидан, қисса қаҳрамонларига соядай эрглашиб юртгиси, уларга ҳамдара бўлгиси келаверади. Ўқувчини бу даражада асир қилиш, сеҳрлай омиш ҳар қандай адабнинг ҳам кўлидан келавермайди. Мана, ўзингиз оғина ўқинг-чи. "Ҳеч бадога тушунмапман, — деди шивираб цилиндарли кимса ёнидаги Оболомовга ўхшаш вазмин помешчикка. У на Онегин, на Чацкий эди.

Оболомов жилмайди.

— Хайвонот боғига отландишпти.

— Нега энди ҳаммаси така?

— Ҳалити... шунчаки киноя бўлса керак. Тузуки-на экан, а?

Цилиндарли жаноб афгини бужмайтирди.

— Кўпсолгина, денг.

— Сизга нуқул француз хонимлари бўлса, — деди бадхохлик билан Оболомов. — Аммо-декин менга ёқди. Оёқчаларим, ҳар қалай, ёмон ўйлаб топилмаган, а, нима дедингиз?

— Жудаям... Ҳалитдай... — деб гапта сўжиди кўри-нишидан аламзада бир жаноб. У Чехов қаҳрамонларига ўхшарди. — Жудаям қалта-ку? Нима кераги бор экан? Оболомов хиринглади.

— Ҳа, нега бўлмаса кўзингизни узолмай қолдингиз? Қарама кўй-да!

Василлий Шукшин фақат қаҳрамонлар ҳолатининг на изоҳлаб кетаёттир, холос. Бутун асосий эътибор диалогларда — қани ким нима дер экан? Шу орқали

персонаждар ўзарини ўзлари фолш қилиб кўядилар — гап-сўзлари билан ўзарининг характери, феъли қанидайлигини ошкор этадилар...

Россиялик олимларнинг фикри қуйидагича: Юрий Казаков Бунинга, Валентин Распутин Достоевскийга жуда-жуда ўхшайди. Василлий Шукшинни эса "замонавий Горький" дая таърифлашади.

Бу менташлар ниманинг хисобига? Воқеаларни таъвир этиш услубига ёки асарлари бадиийлиги даражасига қарабми? Менимча, биринчи фикр ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди.

Мана, улар адабнинг ўзи ижода ҳақида нимадар деганигини бир ўқиб кўринг: "Ҳикояда ҳамма нарса тушунарли, ҳатто ундан ҳам зиёда бўлишини истайман".

"Адабиётда ҳамма вақт қандайдир спорт мусобақасига ўхшаган ҳолат бор. Қани ким ихчамроқ ёзди? Ким мураккаброқ! Ким журъатлироқ! Ҳолбуки, адабиёт — ҳақиқатдир. Кашфиётдир. Унда ким дадил-у, ким мураккаб, ким эпикроқ — бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Ҳақиқат борки, адабиёт бор".

Ёзувчи яратган асарларида, бешта бадиий фильмда бунга оғишмай амал қилди, ростгўйликни, ҳақиқатни шпор қилиб олади.

Василлий Шукшинда Оллоҳ томонидан берилган буюк истеъдоддан ташқари ҳаётинг тажриба ҳам керактдан ортик бўлганлигини биласизми? Мураккаб, бунинг устига оғирдан-оғир ҳаёт йўлини кадам-бакадам босиб ўтишга тўғри келганлигини эшитганмисиз?

Адабнинг шахсий ҳаётидан айримдар беҳабар бўлганлигидан асарлари бунчалар бадиийлиги, қаҳрамонлари ўта оқдйлиги сабабларини кўп ҳолларда англаб етмайдилар.

Ававало, Шукшиннинг онаси Мария Сергеевна ҳақида. Оғайнилари хусусида ўзининг сўзарига бир қулоқ солинг: "Менинг онам... икки қарра турмуш курди... Икки қарра ҳам бевадигича қолди. Биринчи марта йигирма икки ёшида, иккинчи марта ўттиз бир ёшида тул хотинга айланди. Фарзандлари қамол учун

жууда күп куч-файрат, нафсиларини айттанда, бутун хаётини бағишлайди. Энди у ўғлим одам сонига кириб қолди, шахарда каттакон амалдорга айланган, деб ўйлайди. Майли, ўйласа, ўйлай қолсин. Ҳикоя ёзишни мен онамдан ўрганганман”.

Отаси-чи? Отаси Макар Леонтьевич халқ душмани дея қораланиб, қатг этилганлигини биласизми?

Учта холасининг ҳаммаси бева бўлиб қолганлигини айтмайсизми? Ҳаттоки сингласи Нагалья бева эди.

Василий Шукшин Сталин вафотидан бир йил кейин — 1954 йили Сrostкинни — Олтой ўлкасидаги қишлоқини тарқ этди. Москвада ўқиди. Ушанда ҳам оғайниларини, биринчи навбатда жондан азиз онасини йўқлаб турди, унга кетма-кет хатлар ёзди. Адибнинг Шеради Сокин таржимасида эълон қилинган хатларидан бирига кўз югуртирайлик:

“Меҳрибоним, онам!

Мен соғ-садоматман, ишларим жойида. Соғлигим ҳам чакки эмас. Мана, картинада кўрарсиз, хатто семирганман. Ҳаммаси кўнгидагайдай, қадрдонгинанм.

Онажон, агар маҳкам бироз беҳузур қилса, у ҳолда дорини тунда уйку оқидан ичинг. Мухҳими, у кишини уйкуга мойил қилади. Дорини ичиш жараёнини илोजи борича узоқроқ давом эттириш керак. Одамлар йиллаб ичишади: ўрганиб кетишади, хатто ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам ичишади. Нима бўлганда ҳам мазкур доридан Сизга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди.

Қизалоқларим, ҳуаога шуккур, чопқиллаб юриштипти. Яқинда Москвада уч кун бўлиб, Маша билан у ўқийдиган мактабда бўлдим... Ҳам куласан, ҳам кулсан киши. Уни мактаб ўқувчиси дегани ҳам тил бормайди. Уззукун Ольга ва кўён билан (квартирамизда кўён асраганмиз) ўйнаб, уй вазифаларини унуттади.

Мана шундай икир-чикирларни ҳисобга олмаганда хотиржаммиз. Юборилган посикакантиз ҳақида хабар келди. Аммо яқшанба кунни эди. Дида хозир Боготарияда (10 кунга, биринчи октябрга қадар), болада-

римга қайнонам қараб турибди. Эҳтимол, посикакани қайнонамга берилар, йўқ дейишса, Дида келади”.

Онага бўлган меҳр қанчалик юқори! Василий Шукшин онасини шунчалик яхши кўрар эдики...

Ахир, онаси не-не азоб-ўқубатларни бошидан кечирмади. Эри халқ душмани сифатида отилиб кетганидан кейин яна турмуш курди. Павел Николаевич Куқсин билан бир ёстиқка бош қўйди. Василий Шукшин ана шу кишининг тарбиясини олади. Лекин, ўтай отаси ҳам урушда қазо қилди. 14 ёшли Василий уруш айни қизитган паллада Бийск автомобиль техникумида ўқир эди. Отасининг ўлими сабаб моддий жиҳатдан яна ночор аҳволга тушиб қолишди, ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлди. У хатто харбий билым кортида ҳам ўқимай кетиб қолганди.

Буюк адиб беҳуадага “Қишлоқлар”, “Она қалби” хикояларини яратмаган, уларга бош қаҳрамон қилиб онани танламаган кўринди. Бунинг асосий сабабларидан бири мунистгина, меҳрибонгина онасига нисбатан меҳри эмасмиди?

“Она қалби” хикоясидаги онанинг куйинчақликларини ўткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги Она образига ҳамоханг эканлиги бежиз эмас. Иккала адиб ҳам онадаги беқийс меҳр ва оқдўликни шундай шарафлагандарки...

Василий Шукшин хикоясидан салгина ўқийлик:

“... Онанинг қалби зиркираб кетди. Ўғлининг айбини мангитқан аниқ қилиб унга тушунтириш бефойда эди.

— Айланай, болажонларим! — йиғлаб юборди у, — Ичганда хар нарса бўлиши мумкинку ахир?! Маст бўлгандан кейин уришгандир... Раҳм қилинар унга!..

Онанинг бу аҳволга чидаб туриши осон эмас эди. Унинг ноласида шунча фам, алам, ташвиш тўлиб-тошган эдики, бу ердагиларнинг ҳаммаси ноқудай сезарди ўзини. Ким тескари ўтирилиб оқди, ким эса сипарет ёқиб чекишни бошлади...

— Ёрғиз ўғлим. Мента қарайдиган ҳам, боқадиган ҳам шу. Яқинда у уйданмоқчи эди. Агар уни қамаб қўйишса нима бўлади-а? Қиз эса яхшигина эди. Дурст оиланинг фарзанди эди, эҳсиэ..."

* * *

Василий Макарович Шукшиннинг қизлари ҳам она-си қаби меҳрибон эдилар. Унинг ута қизи бор эди.

Отасининг орзулари бир дунё бўлганлигини қизи Мария ҳам эътироф этади: "Онамнинг айтишларича, دادам серфарзанд бўлишни, ўғил кўришни орзу қилган экан. Ўғил кўрса исмини Макарь ёки Степан Разиннинг шарафига Степан деб атамоқчи экан. Агар دادам эрта ўлматанида эди, ойим билан уч қизга қараб ўтирмасдан яна фарзанд кўришарди деб ўйлайман. Ўз вақтида دادам мен билан синглимга: "Агар ўғил кўрса даринг исмини Макарь қўйинглар", — деб тайинлаган эди. Синглим ўғлининг исмини отамнинг шарофатларига Василий деб қўйди. Меннинг эса Макарь деган ўғлим бор. Бундай исм учун دادамдан жуда миннатдорман. Бу ҳақиқий эркакча исм".

Илғари Василий Шукшин кўп ичадиган одам бўлган. Чекишни ҳам бошқалардан кўра хуш кўрган. Аммо, қизларидан бири, тўғрирояи, Мария сабаб ичишни ташлаб юборганлигига нима дейсиз?

Мария Шукшина "Аргументы и факты" газетасига берган интервьюсида бу воқеага ойдинлик киритади: "Истеъдодли шахсларнинг ютуқ ва камчилиги кўп бўлиши табиий. Тўғри, отам ичкиликка ўч бўлган. Аммо, фарзандларнинг туғилиши ҳаммасини ўзгартириб юборди. Онамнинг айтишларича, бир неча ойлигимда отам мен билан сайр қилгани чиқади. Мен ётган аравачани кўчада қолдириб, қандайдир "дўстлари" билан пивохоҳнага киради. Ўйга ёрғиз қайтади. Онам эшикни очиши билан "Маша қани?" деб сўрайди. دادам пешонасига уриб, бурнидаино, шамолдек учадди. Онам ўзини йўқотиб қўйгани учун чополмасдан зинапоёда эмалдаб қолади. Чунки, биз сайрга чиққанимиздан буюн

анча вақт ўтган экан-да. Худого шукурки, улар мени қўйиб кетилган жойдан топишади. Мен ҳаммаёғимни ҳўа қилганча ухлаб ётган эканман. Яхшиям аравачани Биров хайдаб кетмапти. Шундан сўнг دادам ҳатто байрамларда ҳам бир томчи ичмайдиган бўлдилар. Мен Леонид Куравлев ва рафиқасидан: "Дадам ҳеч бўлмаганда янги йилда бир қадах ичган бўлишлари мумкин-ку?" деб сўрадим ва "ҳеч қачон" деган жавобни эшитдим".

Бу фикрлар шундан далолат берадики, Василий Шукшинда камдан-кам кишиларда бўладиган продаллик, фарзандга меҳри қучди бўлган! Ўта оғир азоб-ўқубатларни, қийинчиликларни бошидан кечирган, меҳнатда тобланган даиб сабот-матонатли киши эди! Икки ўқув юртини ташлаб кетиб, ўн саккиз йил чилангарлик қилишнинг ўзи бўлар эканми? Бунинг учун кишида меҳнатқашликдан ташқари чидамлик ҳам шарт эмасми? Ҳисоблаб кўринг. Бор-йўғи 45 йиллик умр. Унинг ўн олти йили энг машаққатли ҳунар — қадам тебратишга бағишланган. Ўн саккиз йил одаий ишчилик. Бунинг устига квартираси бўлмаганлиги сабабли, яна тўғрирояи ҳар доим сафарлардалиги туфайли кўп ҳолларда ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда, шифоҳоналарда ижод қилишга мажбур бўлган... Ана шудардан ортиб онасига, хотинига, қизларига меҳр қўйганлигини айтмайсизми?

Боя тавқидланганимиздек, унинг уч нафар қизи бор эди. Биринчи турмуш ўртоғи Виктория Сафроновна унга қиз туғиб берди. Аммо, нима учундир буни иккинчи оиласидан сир туттишга ҳам уриниб кўрди. Ҳатто қизи Катя биринчи синфга борганидан сўнггина уни ўзининг фамилиясига ўтказиб олди (Даибнинг ўзи ана шу қизи мастлик туфайли туғилганлигини, унинг хотини Виктория Сафроновна эса Василий Шукшин кўп ичиши туфайли ундан воз кечганлигини айтган).

Даиб 34 ёшида Виктория Сафроновнага уйданганди. Кейинчалик Лидия Николаевна билан турмуш

кўради. Ундан икки қиз кўради. Уларнинг исми Мария ва Ольга эди. Улар кинорежиссёр ва телевидение холими сифатида танилдилар.

Севги деганлари наҳотки ёнғон туйғу бўлса? Ахир, Василий Шукшин ҳам Лидия Николаевна Федосеева-Шукшина ҳам бир-бирини шунчалик севишарди... Ҳатто, буни — ёзувчи ўлимидан сўнг турмуш ўртоғи эрга ёлчимай қолишини тасаввур қилиш мумкин эмас.

"Аргументы и факты" газетаси Василий Шукшиннинг ўлимидан сўнг унинг умр йўлдоши Л.Н. Шукшинанинг сўзларини эълон қилганди. Унда кўйидагилар ёзилган: "Ҳозир ҳисоблаб кўраман... Йўқ, тўрт марта эмас, ҳозир расмий жиҳатдан учинчи эрим билан яшайман. Биринчи марта ёшлагим, аҳмоқлигим сабабли на мен, на у бахтли бўлди: хуллас, хато қилдик. Ҳар ким хато қилиши мумкин. Биз тезда ажрашиб кетганмиз. Кейин Шукшинни учратдим. Албатта, тақдиримда битилган икбоб эди. Тўғри, унинг феъл-атворига анча-мунча одам чидай олмади, лекин у пайтлари анча кўнгличан, сабр-тоқатли эдим. Шукшиндан кейин оператор Михаил Аграновични учратдим: ажойиб инсон эди. Менга боладаримни вояга етказишда ёрдам берди. Биз енгилтақалгимиз оқибатида ажралишиб кетдик. Янглишмасам, у ҳам энди пушаймон қилаётган бўлса керак. Биз у билан ЗАГС дан ўтмаган эдик. Ҳозирги эрим билан 1986 йили Польшада танишганмиз. У ерда "Янушка ҳақида баъдада" фильми суратга олинаётганди: шунақа саккиз серияли поляк фильми бўлardi. Бу фильм Польшада жуда машҳур бўлиб кетган, мен бош ролни ижро этганман. Менга "Санъат" ордени берилган эди. Уша фильмда Марек рассом эди".

Василий Шукшиннинг ўлимидан сўнг умр йўлдоши мана шундай аҳволга тушиб қолди. Ваҳоланки, Лидия Николаевна Василий Шукшинга тегмасдан аввад ҳам олдинги эридан қиз кўрганди. Шукшин Катя исмили шу қизини жонидан ортиқ суяр, эъзозларди...

Василий Шукшиннинг қизи Мария онасининг юкоридаги каби хатги-ҳаракатларига саббий муносабат билдирмайди. Журналистнинг "Лидия Николаевна тақдирининг кўрлиғино бебақолиғига тан бериб, ўзига нафақат яшашга, ҳатто севишга ҳам эрк берди", — деган таънади саволига жавобан шундай дейди: "Ҳа, у отам вафот этгач кинооператор Михаил Аграновичга турмушга чиқди. Бу одам менга саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача тарбия берди. Бунинг учун мен ундан миннатдорман. Дарвоқе, у мени ажойиб пишириқлар пиширишга ҳам ўргатди. Кейинроқ ўтай отамни онам бошқа бир эркак — поляк эри билан алмаштирди. Сўнгра эса Бари Амибасов билан Лайлио Мажнун бўлиб қолди. Мен онамининг бундай ишқибозликларига хотиржамлик билан қарайман. Шахсий ҳаётга аралашгим келмайди".

Василий Шукшин ижодини кинодан айри ҳолда ўрганиш ҳам, тадқиқ этиш ҳам мумкин. Чунки, у бутун ҳаёти давомида турли фильмларга режиссёрлик қилди. Ҳайрон қоласан киши. Бунга қандай қилиб ултурди экан? Ўнганга яқин сценарий ёзинининг, салкам ўттизгача яқин рол ижро этишининг ўзи бўладими? Бунинг учун қанчалик кўп вақт, машаққатли меҳнат зарур эмасми? Бешта фильмни ўзи яратилгача, романдар, қиссалар, юзлаб ҳикоялар ёзишга қандай муваффақ бўлди экан? "Қизил бодрезак" фильми шов-шув бўлганлигидан хабарингиз борми? (Уни айримлар "Алвон бодрезак" ҳам дейишади.)

Бадийий фильмдаги Игор образи шунчалик мукамал эдики... Шукшиннинг ўзи хатто: "Игорга ачинаман. Бу тақдир юратгимни ниҳоятда ачигштирди. Шароит бошқача бўлганида у тамоман ажойиб инсон бўларди", — дейди ўқинч билан.

"Қизил бодрезак" фильми кутилмаганда юзгача келди. Ддиб бир кунни вояга етмагандар қамқохонасига бориб учрашув ўтказди. Бу воқеадан, учрашувдаги фикрлардан ниҳоят даражада таъсирланди. Ҳатто уч кун ўзига келолмай юради. Ва ниҳоят шу ҳодиса сабаб фильм яратилш ғояси туғилди.

Василий Шукшин зўр махорат, катта хаяжон ва меҳнат туфайли фильм сценарийсини ёзиб тугалмайдди. Аммо... Унга қаршиликлар кўп бўлди. Ҳатто суратга олиш жарёнида ҳам ночор аҳволга тушиб қолди. Горький номидаги киностудия ва тегишли идорада ҳатто-ки уни йўнқадан қисиб қўйдди. Бир бало қилиб шафони чиқиб қолган асбоб-ускуналар билан кинони ниҳоятсига етказди. Лекин, Шукшиннинг бахтига бир нечта фильмларга қўшиб "Қизил бодрезак" ни ҳам КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Леонид Ильич Брежневга кўрсатиш учун олиб кетадилар.

Тавба, кино соҳасидаги мансабдорларга ёкмаган бадий фильм бирданига Брежневни қизиқтириб қўяди! Давлат кино кўмитасидаги амаалдорлар кўкларда кўтариб мактаган фильмлар бир ёқда қолиб, Леонид Ильич айнан "Қизил бодрезак" ни яхши кўриб қолганлигини айтмайсизми? Ҳаттоки уни томоша қилиб ўтириб кўзларидан шашкатор ёш чиқиб кетганлигини ўзим сезмай қолди. Табиийки, давлат раҳбарига жуда маъқул келган бадий фильм бошқаларни ҳам бефарқ қолдирмайдди.

Танқидчи Владимир Соловьев "Сценарий ва фильм" мақоласида шундай ёзган эди: "Мен Ленинградда, "Космонавт" кинотеатрининг олдида яшар эдим. "Қизил бодрезак" бадий фильмига билетни бир кун олдин бўлса-да, навбатга туриб олинимга тўғри келган эди. Нета? Бунинг сабаби нимада? Муаллиф бугунги давр Арамагизминни асарда сингдириб юбора олган, қаҳрамонни фожиа — ўлимга олиб келган ҳодисалар оқибатини теран таққик эта олганди".

"Кўла бўйида", "Халоскорлик", "Мишка, Серёжа ва мен", "Журналист" сингари фильмлар яратилмишида унинг хизмати беқиёс бўлганлигини ҳам-ҳануз эхтиром билан эслайдилар. Бутуниттифик давлат кинематография институтининг режиссёрлик факультетини битирган Василий Шукшин рус киносоломасига улкан улуш қўшганлардан бири сифатида тилга олинади. Шу боисдан ҳам машҳур кинорежиссёр Сергей Герасимов у ҳақда: "Бу ёзувчи, режиссёр ва актёр мента яхши та-

ниш. Мен уни кинематография соҳасидаги таржimai холи бошланган ёшлик чоғидан билман", деган эди. Бехудата унга Ленин мукофоти лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари берилмаган. Агар 45 йил эмас, эхтимол ҳеч бўлмаганда 65 йил яшлаганида баъки Нобель мукофотига ҳам сазовор бўлиши тайин эди...

Ўзбек ўқувчилари Шукшин асарларини асосан Аскад Мухтор, Ўткир Ҳошимов, Хайридин Султонов, Эркин Миробидов, Шодмон Отабоевлар таржимасида ўқиш шарафига мушарраф бўлганлар. Аммо, кейинги йилларда ҳам бу хайрли юмуш бир жойда депсиниб қолгани йўқ. Яхши асарларидан бири — "Кувим бир машина ўтин ўғирдади" Шерали Сокин таржимасида чиқди. "Микроскоп" эса Меҳмон Исломқулов томонидан ўзбекчага ўғирланди.

Бироқ, кишини хайрон қолдирадиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Айрим таржимоналар асар руҳини, мазмунини ва энг муҳими бадий қувватини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилганлар. Аммо, баъзилар ёзувчи ниятини ҳатто ўзгартриб юборишгача борганларидан кўз юмиш қийин. Мана, бир нечта мисоллар. Адибнинг "Қайғу" хикояси "Чол, қиз ва ортоб" тўпламида қуйидагича яқун топади: "Хонага эса ойнинг мўла, аммо совуқ ёвули хануз тўқилиб турарди. Ёву!... Кувончдан дарақми бу, қайғуданми, ҳарқалай ёву эди!".

Наримон Орифжонов таржимасида шу хикоя "Жудодик" дег номланган ва тубандагича тугалланган: "Ойнага ойнинг тантанавор нурлари ҳамон тўқилиб турарди".

Бу асар Бозор Илёсов таржимасида "Дара" дег номланган ва шундай яқундананди: "Дераздан ойнинг совуқ, тантанавор нурлари ёйлаверди, ёйлаверди. Ундан бутун олам нурафшон бўлди. Булар кувонч шўъласими, адам шўъласими — мен билмадим".

Аслига солиштириб кўрилганда, бизнингча, биринчи таржимон муаллиф фикрини бера олганлиги, Василий Шукшин услуби, руҳига анча яқинлашиб қолганлиги та амин бўласиз.

Қани энди истеъдодли таржимонлар пайдо бўлса-ю, ёзувчининггина эмас, жаҳон адабиётининг ўлмас баъдий мулкига айланган "Эрк бертали келдим қошинга" романи, "Ўзоқ-Ўзоқларда", "Қизил бодрезак" ҳамда "Мени ёрқин уфқларга чорда" сингари ажойиб асарларини ўзбек китобхоналари мулкига айлантурса, дея орзу қилгинг келадил!

Яна бир йилдан сўнг адабнинг тугилганига 80 йил тўради. Эҳтимол, ана шу юбилейгача ўзбекча таржималар кўпайиб қолад, дея умид қиламиз.

Василлий Шукшиннинг ўлими ҳақида сўз кетганда қайғудан юрак дарзата келади, беихтиёр кўзларингизда ёш томчилари пайдо бўлганини сезмай қоласиз. Бу ачинишми ё улкан адибга нисбатан меҳрми, буни дарров аниглаб етолмайсиз.

Балки, ёзувчи ўз ўлимини оқиндан сезгандир, деган гумон-тахминлар ҳам йўқ эмас. Мана, қизи Мариянинг сўзлари: "Отамиз вафот этганда мен саккиз ёшда эдим. Энг чуқур ва энг қайғули хотира унинг "Улар ватан учун жанг қилдилар" фильмига суратга тушиши учун жўнаб кетаётгандаги ҳолати бўлса керак, деб ўйлайман. Мен уни машинага кузатиб бордим. Ярим йўлда тўхтаб, у мени ўтиб кўйдди. Машинага ўтирғач, мента қайрилиб қаради. Унинг кўзлари ёшли эди. Бу видолашув нигоҳи эди. Бу нигоҳни бир умр эслаб қолдим. Отам фильм суратга олинаётганда вафот этган".

Аслида қандай бўлганди? Расмий маълумотларга таянган бўлсак, у 1974 йилнинг 2 октябрида, тунда "Дунай" теплоходи каюгасида одамдан ўтди. Ўша кунлари уларнинг турухи Волготрада яқинидаги Мелодовский хуторида Михаил Шолоховнинг "Улар ватан учун жанг қилдилар" фильмини суратга олишгаётганди. Бу фильмда Шукшин ҳам асосий юмушлардан бирини адо этди. Лопахин родини қойилмақом қилиб ижро этаётганди.

Балки, Шукшин касалликдан, оғир дарддан азият чеккандир? У онасига ёзган хатларидан бирида шундай тэжқидлаганди: "Келаман деб ваъда бериб, ўзим ҳам қийнаиб кетдим, сизларни ҳам қийнаб юбор-

дим. Этак силқиб йўлга чиқшининг иложини қиладман. Ҳозир эса ошқозон яраси важдан шифохонада ётибман. Пича Даволанай. Оқинда мени улан машаққатли иш (Степан Разин ҳақида учга фильм) кутиб турипти. Тўрт йиллар чамаси зўриқиб ишлашим керак. У ҳолда Даволанишга қўл тегармиди?"

Йўқ, у бу дарддан тузалиб кетганди. Эҳтимол, юрак хуружи... Ҳақиқат учун курашган, ҳаётий воқеаларни бўй-басти билан рост тасвирлаган адиб ўша давр амалдорларига ёқмай қолганмиди? Бу ҳақдаям аниқ фикр билдириш мумкин. Лекин, улуғ одамлар башоратчи бўлишади, деган тахминлар ҳам бор. Бекорга Василлий Шукшин ўлиmidан бир кун аввал мотам маросимини расмда жондантирмаган кўринади. У нималарнидир оқиндан сезган, ўлими яқин қолганигини хис этган...

Кўплар уни юрак касаллигидан нобуа бўлганлигига ишониб-кўникиб қолган бир паллада яна шов-шувалар авжига минди. Т. Пономарёвнинг "Шукшиннинг сирли муҳаббати" тўплами барча муҳлисларни довларатиб кўйдди. Т. Пономарёва фикрлар, мулоҳазалар, тахминлар ва айрим кишиларнинг ишонч билан айтган сўзларини жамдайдди ва Шукшин ўз ажали билан қазо қилмаган, деган қутилмаган бир хулосага келади. Ким рост айтаяпти? Шифокорларми, ҳамкасбларими ёки яқиндагина китоби нашр қилган муаллифми? Наҳотки, адабни заҳарлаган бўлайши мумкин, деган сўнгли хулосага ишонинг керак бўлса? Балки, шундайдир... Яна ким билади, дейсиз... Замонга мос келмаган, тузумга қарши фикр билдирган неча-неча кишилар дом-дараксиз "ўз ажали билан" ўлиб кетганликлари ҳақидаги эртаққа ўхшаш гаилар эҳтимол Василлий Шукшинга ҳам мос келар?

Ҳаётда қабохатлар болалаб кетган бир даврда умр кечирган адиб юрак амрига қарши боролмади: Фақат ҳақиқат йўлини тутди. Шу боис унинг сўзлари ҳамон қалбларимизда эзгу шиор каби жаранглайдил:

"Ахлоқ бу ҳақиқатдир. Ҳақиқат бўлганда ҳам улкан ҳақиқат. Зеро, ахлоқли бўлиш — бу жасорат, поклик, бу демак, халқ қувончи, фами, ташвиши билан нафис олом, халқ ўйлаганидек фикр юритиш, чунки халқ ҳақиқатни доимо билиб яшайди". Бундай дада, жасорат билан сўзашнинг ўзи бўладими? Ахир, очик гап аиникса раҳбарларга мойдай ёкиб тушмасангиз аник-ку?

Нихоятда қисқа умри давомида жаҳон киноси ва адабиётга улкан баъдий асарлар билан улаш қўшган буюк ёзувчи ва кино намоёниси ана шундай мурраккаб, машаққатли ва шонли йўлни босиб ўтган эди.

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Ишонинг, козоклар билан ўзбекларни билгич, мен уларни самимий севиб қолдим.

Александр Солженицин

Атрофнингиздаги муҳитга, тартиб-қоидаларга қўққисдан қарши бориш мушқулнинг арслон билан бёлалашмоқчи бўлганидай дахшатли, кўркинчли ҳодиса эмасми? Аммо, фавқулодда жасорати билан зимистонда порлаган олов қаби инсонлар ҳам борки, ҳозирги пайванд бундай даҳодар ҳақида ниҳоятда кам маълумотга, демакки, тасаввурга эга эканлиги кишини беҳда ўйга қолдиради, ажаблантиради.

Дунё адабиётида бунга мисоллар оз эмас. Ҳатто ўзининг Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон ҳақидаги тасаввуримиз ҳам яқин-яқин йилларгача ибтидоийликта қолди кетмаганмиди?

Ўтган асрнинг бошларидаёқ адабиёт осмонини ҳудудли ёзда чақнаган чакмоқ қаби титратган Иван Бунинни айтмайсизми? Расмий маълумотларда у ҳеч қандай давлатнинг фуқароси эканлиги қайда этилмаган. Лекин, 1933 йилда проза ҳамда поэзия соҳасидаги сўнгги мунаффақиятлари учун Нобель мукофотини Берлинда Россия ҳамда Франция фуқароси сифатида қайда этишганди. Нега айнан Россияники эмас? Чунки у.. осмондан тушгандай бирданига пайдо бўлиб қолган тўзум қонуниятларини ҳам қилолмаган, шу билан бўлса керак, ўзи севаган ва ардоқлаган Ватанидан мосуво бўлганди...

Борис Пастернакни нима учун СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан хайдашди? Сабаби оадий — "Доктор Живаго" романи учун. (Адиб 1958 йилда айнан шу асари завоитга Нобель мукофотини ҳам олган).

Бу роман Италияга хуфиёна йўллар билан олиб кетилганигини биласизми? Ўша ёқда бундан 102 йил аввал рус ҳамда итальян тилларида нашр этилганлигини-чи? Чунки... миттигина коракли даяб бепоеён Россияга синаган эди. Аммо, Ватанини ташлаб кетолмади. Қашшоқ, оғир ҳаёт кечирса кечирдики, ўз қарашларидан воз кечмади ҳам.

Россияликлардан учинчи бўлиб Нобель мукофоти-ни олган Михаил Шолохов-чи? Мавжуда тузум билан мурося қилишни афзал билди. Бутун умр жонажон қишлоғида умргузаронлик қилди. Шунинг учун уни яхшигина сийадиладар. Ҳатто ўша даврда буюк мамлакатнинг биринчи раҳбарлари бўлган Хрушчев билан Брежнев ҳам баъзан унинг атрофида гирайкагадек бўлишдан тоймадилар.

Россиялик ижодкорлар ичида туртинчи бўлиб Нобель мукофотини олиш насиб этган Александр Исавич Солженицин эди.

Эдлик икки ёшли адибга 1970 йилда шундай нуфузми мукофотни беришганида, у фақат Россиянинггина фуқароси эмас эди. Унинг исм-фамилياسي тўғрисида "Россия — Америка фуқароси" деган ёзув ҳам борлиги эса кўпчиликни хайратлангирмади. Нобель мазрузасини тайёрлаётганида ёзувчи шундай сўзларни айтишдан хайикмади: "Бу минбарга, ҳамма ёзувчилар чиқиши насиб қилавермайдиган, насиб қилганда ҳам — фақат бир марта имкон бериладиган минибарга мен уч-тўртта тиржаб кўйилган зинаподядан чиқиб келганим йўқ. Юзааб, баки минглаб чада-ярим, ўткир киррали, муз бостан зинаподяларни босиб, зулмат қабридан ўлмай чиқиб келдим. Бошқалар, эхтимод, менадан ортиқ иқтидорли ва кучлироқ бўлганлар ҳамок бўлишди. Улардан айримларининггина минглаб оролларга сочилиб кетган Гулаг архипелагида учратдим. Тавкибларнинг тегиримон тошлари ва ишончсизлик оқибатида ҳамма билан ҳам очилиб гапдлашолмадим, айримлар хақида фақат эшитганман, бошқа бирларини фараз қилганман, холос. Адабий ном қозо-

ниб, ўша жардикларга қулаганларнинг ҳеч бўлмаса номи қолади, аммо танилмаган, номи очик-ошкора айтилмаганлар қанча? Улардан даярли ҳеч ким тиррик қайтмади. Бутун бошли миллий адабиёт у ёқларда нафақат тобутсиз, ҳатто ички кийимсиз, яп-ядан-ноч холда, оёқ бармоғига боғланган ёрлик билан кўмиб ташланди. Бирок рус адабиёти бир сония ҳам тўхтаб қолмади, четдан қараганда эса ўлик туюларди. Ўрмон туркирайб ўсиши мумкин бўлган жойда ҳамма дарахтлар кирқилди-ю, бир-иккитаси тасодифан четда қолдиб кетди".

Уша қалтис паллада — шўролар тузуми афсонавий юходек ўкириб турган пайтда унга кесак отиш осонми? Александр Исавичнинг ҳаракати баҳайбат шериниг олдда қалтирабгина турган кўннинг ҳолатини эсатмасмиди?

Йўқ, Солженицин қалтираш тутул, ҳатто хайикмади ҳам — бутун оламни ялдамай ютаман, деб турган шўролар оловини даф қилиш учун ўз сўзини ўз вақтида айтолган эди!

* * *

Унинг беқияс жасорати ҳам ана шунда.

Нега айнан Солженицин? У қандай муҳитда, шароитда ўсиб, ўкиб вояга етди? Уни шундай буюкликка даяват этган фавқулодда куч қайдан пайдо бўлди? У 1918 йил декабрда дунё халқлари интиқлик билан дам олишга ошқадиган сўлим Кисловодск шаҳрида дунёга келди. Отаси деҳқон оиласидан, ов қилиб юрган маҳали бандаликни бажо келтирганиди. Бу пайтда ҳам Александр туғилмаган ҳам эди.

Ҳаёт кечирш осон бўлмай қолди. Оида бошланги тасодиф кўрбони бўлгач, Солженициннинг онаси мапинисткалик қилди. Улар Шимолий Кавказни тарқ этишганида Александр олти ёшга тўлганди. Етимликнинг оғир кунлари бўрон каби унинг ҳаётига бостириб кела бошлади.

Сўнгра Ростов-Донда яшай бошладилар. Адабиёт жони Дири бўлган Александрнинг Ростов университетига физика-математика бўйича ўқиётганидаги кўтларни хайратлангирди. Ҳатто баъзилар унинг мактабда математикадан дарс бера бошлаганига ҳам ажабланишди. Ахир, ёзувчиликка меҳр кўйган-ку? У адабиётнинг шайдо-сику? Бирок иккинчи жаҳон уруши тугай деб қолган паллада хибса олинди. Энди унинг оммада бешарфат камок, бу ҳам етмагандай Сибирь сургунини ҳам бошидан ўтказишдек машаққат кўндаланг бўлиб турарди. Унга Дош бериш учун ҳазилкам ирода керакмиди?!

Мана энди хибсхонадан-хибсхонага кўчиравериштинка-мадорини қурита бошладилар. Хайриятки, Сталин казо қилиб, Соженицинга байрам бўлди — озодаликка чиқди. Сургуналик йилларида унга Қозоғистон паноҳ бўлган бўлса, камок занжираридан бўшалагч, Ўзбекистон жонига оро кирди. Тошкентдаги гостипаллада уни, камокнинг энди-замбида юки эзмилаган одамни, яна отдек соғайтириб юборишди. Эҳтимол, у — бўдажак, жаҳонга донни кетган адиб Корин бўлишида хосил бўлган хавфли пиш оқибатида бу дунёни барвақт ташлаб кетган бўлармиди, деб ўйланиб қолади киши. Хайриятки, Ўзбекистонга келгач, кўнгли равшан тортди, дардларига малҳам топди...

У шўролар давлатини тарк этгунича Ўзбекистонга уч марта келган. Ҳар гал фақат яхши кайфият билан кайтар, ҳа, ўзбеклар унга иссиқ сўзи, алуруст муомалалари билан мадад бўлганликларидан кўнгли тоғдек кўтарилиб кетарди.

Афсуски, эндиликта тузалган адиб Тошкентдан Россияга қайтиб боргач, яна таъби тирриқ бўла бошлади.

Эҳтимол, "Тулаг архипелаги" асари Францияда босилиб чиқмаганида, давлат хавфсизлик кўмитаси ходимлари унинг ҳаётига таҳдид қилмаганида, бааки турмуши осойишта кечаверармиди... Нима бўлганда ҳам уни Германия Федератив Республикасига хайдаб юборишгачина кўнглилари жойига тушди. Бундай аянчли ҳукмга пирифтор бўлишига Англияда нашр этилган "Ҳн

туртинчи йил август" романи ҳам сабабчи бўлгандир? Айримлар унинг СССР дан қувиллишини Хрущевнинг тахтдан кетиши билан боғлашди. Сталиннинг номини эшитса ҳам ғазоби кўзиб, жазаваси тутадиган Никита Сергеевич унга энг асосий хомийлардан бири бўлиб чиқди. Негаки, Сталин шахси қораланишига яна бир дастак бўладиган "Иван Денисовичнинг бир кунни" киссаси Хрущевга мойдек ёқиб тушган эди. У сиёсат саҳнасидан қувилгач, табиийки, Соженицининг аҳволи оғирлашди. Ёнини одадиган тоғлар қулаб тушди. "Новый мир" журналда Хрущевнинг фатвоси билан дунё юзини кўрган юқоридаги киссаси ҳам унга тиртак бўла олмади. Бундан қирқ йилдан ошқирок вақт аввал собик иттифок ёзувчилари съездида ёзган очик хати эса сиёсат устунарига ҳамтовоқ бўлиб юрадиган ёзувчиларнинг баттар ғазобини кўзатиб юборди.

Соженицин чет элга қувилганидан кейин ҳам сиёсий тузум химоячилари жазаваси тутиб, унга аёвсиз тош ота бошладилар.

И. Соловьевнинг "Правда" газетасининг 1974 йил 14 январь сонидида босилган "Сотқинлик йўли" мақоласи (уни ханузгача кутубхонада сақлаб келишман) босилган эди. Мана, унинг нафрат ва қаҳр тўла сатрлари: "Кейинги кўнарда буржуа матбуоти А. Соженициннинг "Тулаг оролар" деб атаминиш навбатдаги тухмат асари ғарбда эълон қилиниши муносабати билан советларга қарши шовқин-суронни авж олдириб юборди. Кўп йиллардан бери совет халқига душман бўлган чет эл нашриётлари билан ҳамма матбуот органлари, шу жумладан оқ муҳожирларнинг матбуот органлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келадиган муртадининг номи яна разил айникоммунистик пропаганда оқими юзиди қалқиб кўриниб қолди". Бундан қарийб ўттиз беш йил аввал "Правда" газетасида шу мақолани ўқитганимда мен ҳам "Ана зўр бўлипти, бошлаб адабини беришти" деб индамасдан кетаверганман. (Чунки, дунёдаги улкан мамлакатнинг энг биринчи нуфузли газетаси ёлвонни ёзармиди, дейсиз-да). Юқоридаги мақола муаллифининг

разиллигини карангки, ҳатто асар номини ҳам бўзиб кўрсатган. Бунинг устига, Аунё тан олган, ҳатто Лев Толстой ололмаган Нобель мукофотига сазовор бўлган адабни ҳеч иккиланмасдан "муртад" деб атаган. И.Соловьев худди ашаддий жиноятчини кўлга туширган прокурордай адабга қора чаплашни авжига миндиради: "У ерда, чет элда Солженицин совет ижтимоий тузумига қарши, бизнинг ҳаққимизга қарши қаратилган ўзининг бир неча асарини эълон қилади. "Биринчи даврада" ва "Рак корлуси" деган китобларида Солженицин уришқоқ реакционер позицияларда туриб, бизнинг социалистик ғалабаларимизни рад этди. Совет жамияти асосларининг ўзини шубҳа остига қўйди. Солженициннинг "Ўн тўртинчи йил август"и" деб аталган ва биринчи жаҳон урушининг бошланишига бағишланган романи ҳам социализмга қарши қаратилгандир. Бу романда бадий ҳақиқатни ҳам топиб бўлмайдди. Унда битта, мутлақо муайян турдаги тенденция ҳукмронлик қилади. Солженицин революцияларга қарши, социалистик революцияга қарши чиқади. Аммо, у Кайзер кўшинлари тўғрисида тилёғамалик қилиб ёзди, уларнинг генераллари ва офицерларини кўкаларга кўтариб мактайдди. Илғари у революциядан аввалги ҳамма нарсани совет тузумидан устун қўйиб, зўр бериб мактаб эди. Бу ўринда эса, милитаристик-пруссия нарсалар русча нарсаларга ибрат қилиб кўрсатилади. "Ўн тўртинчи йил август"и романи Ваганга эид, халққа қарши асардир, унда катта заминдорнинг меросхўри бўлган авторни ҳамма ворислик имтиёзларидан ва мол-мулкидан маҳрум қилган революциядан «адаби» яққол сезиндиб турганилиги бу асарнинг ўзига хос хусусиятидир. Таваба, соф ижод маҳсулининг сиёсатга қандай дахли бор? Ахир, ҳар бир адаб ёки шоир қалбидан отилиб чиққан туйғулар фақат унинггина мулки, юрагидан тўкилган эҳтирослар маҳсули эмасми? Сиёсат билан ижодни уйғунлаштиришга зўрма-зўраки интилиш, қорилтириб юборишга чираниш ҳамisha адабиётга қушанда бўлиб келган эмасми?

* * *

Ижод Аунёсини дарзага солиб ўтган Лев Толстой, Фёдор Достоевский ёки бўлмаса яқин кунларгача адабиёт осмонида ўзгача порадаган Чингиз Айтматов асарларини ўқиганнингизга шубҳа қилмайман. Ҳатто ўзининг Ойил Ёқубов, Саид Ахмад ёки Ўткир Ҳошимов роман, қиссаларини такрор-такрор мутлоа қилганмисиз?

Даҳо адабларни-ку қўя турайлик, Ойил Ёқубовнинг "Айёнат", "Улуғбек хазинаси" романдаридаги тасвир, қаҳрамонлар характери яратилишидаги маҳоратига тан беринг келади. Образлар талқинидаги ўзига хослик, ҳатто эпизодик персонажларни ҳам эсда қоладиган даражада таъсирли тасвирлаш маҳорати сизни ром этади: "Тун ойсиз бўлса ҳам юдузулар акс этган фидуза гўмбазлар амақандай кўкиш жило таратиб, ғалати яттиллаб турарди. Қаердандир олдидан, Кўсам ибн Аббос даҳмаси томонидан тиловат қилдэгган қорининг муғлига овози келарди. Ҳазин куйга ўхшаган бу товуш гўё бошқа оамдан келдэгган чексиз нолата ўхшар, кекса садлар ортидаги улкан қабристонга, қоронғида хайбатли кўринган қуббадор даҳмаларга амақандай имоҳий руҳ бахш этар, борлик сирли ва муҳхш туюларди.

Мана, Ойил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романидан озгина ўқидингиз. Худди шу каби тарихий мавзу қаламга олинган "Тулаг архипелаги" асаридан ҳам бироз ўқиб кўрайлик-чи... "Ҳибста олинганнинг" ўн биринчи кунли маҳбусдан ҳам ўзларининг уч жамоа тўла ўлжаларига алағда уч нафар шотир мени Москва-нинг Белорус вокзалига олиб келишди. "Махсус кўриқчилар" деб аталишларига қарамай, яроғлари зид-зам-бид жомадонларини кўтариб юришга фақат халакит беради. Улар ўзлари ҳамда 2-Белоруссия фронтга қарашли СМЕРШ контрразведкасининг бошлиқлари. Германияда ўмарган бойликларини мени кўриқлаш баҳонасида ваганларига — ўз оилаларига етказишга шотилишарди".

Биринчи кўчирмада ёзувчи қаҳрамонлар характери ва ҳолатини тасвирлаш орқали асар ғоясини очиш йўлидан боради. Иккинчи кўчирмада муаллифнинг қаҳрамонларга муносабати ошқора, воқеаларга — разиликларга хайрихоҳ эмаслигини яшириб ўтирмайди: биринчи планда қаҳрамонларнинг ўзига хос хатти-ҳаракатлари, демакки, характери эмас, воқеалар ривожини таъмин этадиган тафсилотлар устуңлик қилади.

Иккада тарихий асардаги воқеалар турлича бўлгани ҳолда тасвирда адиблар позицияси ҳам турличадир. Омил Ёқубов ўтмиш воқеаларини тасаввур, фантазия кўдрати орқали тасвир этса, А.И.Солженицин ўз кўзи билан кўрган тафсилотларни қозоғга тушираётир. Фақат фарқи шундаки, иккинчи адиб воқеаларнинг ўзи иштирокчиси бўлгани ҳолда реалистик тасвир йўлини танлаган, мавжуд тузуннинг деворларига нордон сўзларни замбарак ўқидек ёдирган. Ҳеч тап тортмасдан тазак олиб бораётган жароҳатларни очиб ташлайверган.

Кўриниб турибдики, Солженицин асарларида замон иллатлари ҳеч иккиланмасдан нишонга олинган.

Биринчи кўчирмада адиб маҳорат жиҳатидан устуңлиги яққол сезилиб тургани билан воқеалар ўтмишда қоз берганлиги сабабли роман дунё китобхоналарида шов-шув уйғота олмаган. Энг муҳими, уни баъдий жиҳатдан юксак савияда ёзилган асар сифатида хануз кўрдан кўймай ўқиб келишгаётганлигида.

Александр Солженициннинг устуңлиги унинг маҳоратида эмас, адиблигида, ўзи яшаб турган Ватан иллатларини ўз вақтида кўрсата олганлигида эмасми?

Агар Нобель мукофоти ёзувчи маҳоратига қараб берилганида Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Чингиз Айтматов, Василий Шукшин, Ноадар Думбадзе каби адиблар ҳам олинган бўларди.

* * *

Солженициннинг 1960 йилда ёзилган "Ўн панжа" хикоясини (таниқли олим ва таржимон Иброҳим Фафуров ўзбекчага ўтирган) бундан ўн тўққиз йил аввал ўқиб чиққандим. Энг муҳими, бу асар воқеалари ўзбекистонга, хусусан, Тошкентга даҳадор эканлиги жиҳатидан жуда муҳим эди. Ўшанда адиб таржимаи ҳолидан хабардор бўлмаганим учун дерада хорижлик бўлиб кетган машҳур ижодкорнинг пойтахтимизга нима даҳли бор экан, дея хайраглангандим. Шу хикоядан олган таассуротларим кўнглимдаги ғуборларни ойдинлаштиригандек бўлди. Яхшиси, ундан озроқ ўқийлик-чи: "Бу киш Тошкентга ўлар ҳолатда етдим. Несини яширай, бу ерга ўлгани келдим. Мени эса яна яшагани қайтардилар. Бу бир ой, яна бир ой, ундан кейин яна бир ой. Деразадан нарида Тошкентнинг шамада баҳори ўтди, ёзга қадам қўйди, мен оёқларим қалтираб ташқарига айлангани чика бошлаганимда ҳаммаёқни кўк аданга қоплаган, кунлар исиб қолганди.

Ўзимга-ўзим тузаллашман деб айтишга ҳам кўржиб, энг сарбаданда орзуларимда, ҳатто менга кўшиб берилган ҳаёт муҳлатларини йиллар билан эмас, ойлар билан ўлчаб, медицина институти бинолари оралаб ўстан боғлар ўртасидан ўтган асфальт ва тош йўлаклардан астаалаб қадам ташлардим. Мен тез-тез ўтирмасам бўлмасди, баъзан рентгендан кўнглим айниб, бошимни қўйи эгиб, чўзилиб ётаверардим".

Қаранг, қамқнинг оғир зарбасидан қутулган, Сталин ўлимидан ҳеч қанча ўтмай озорликка чиққан Солженицин нега Москвага ёки Ленинградга — уакан мамлакатнинг энг қатта шаҳарларига эмас, айнан Тошкентга қараб югурдди? Нега айнан ўз Россиясидан эмас, балки ўзбек элидан нажот топишга умид боғлади?

Галнинг ростги, ўзбеклар диёри хамиша хур фикрли кишиларга меҳрибон она каби мадақкор бўлган, нене улуғларни бало-қазолардан омон сақлаб қолган эмасми? Ўруш йилларида ҳатто юзлаб таникли маданият,

адабиёт арбоблари Тошкентдан паноҳ тошганидани кўз юмиб бўлармикин?

Биз юкорда озроқ ўқиганимиз "Ўн панжа" ҳикоясида воқеалар муаллиф тилидан ҳикоя қилинади. Сизга аёнки, асарни бу таразда ёзишнинг "хавфли" томонлари ҳам бор. Адаб тафсилотларни ёзар экан, баёнчилик томон тойиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Соҳженицин ҳикоясида ҳам воқеалар гуё тасвирдан кўра баёнчилик устунилик қилганидек таассурот қолади. Аммо, воқеалар тасвирчан таққин қилиниши, то асар сўнггача конфликти таранглик сақлаб қолинганлиги, энг асосийси, ўқувчи диккати бир мезёردа тутиб турилишига муваффақ бўлинганлиги ҳикоя бадийлигини таъмин этган. Шифоҳонада даволанаётган бемор-муаллиф ҳолати, энг асосийси, портети тасвири шунчалик тавсирлики, хатто ёнгинамизда турган шу касалманд одам билан таллашгандай, тирик беморни кўргандай бўласиз: "Мен ўлгудай афтоҳхўла эдим. Этим бориб устухонимга ёпишган, юзимда барча кўргүликларим акс этарди: лагернинг бефайз муҳити чехрамга чуқур ажинар солган, бетимнинг териси мумдай қотиб, мисли хокитуробга айланган, бунинг устига касаллик маразаари ва дори-дармон оғуларидан захарланавериб икки юзим кўкимтир тусга кирган эди. Доим бўйсунлишта ва бошни ичкарига тортиб юришга одағланилганидан елкам буқилган эди. Масхаравазларикига ўхшаш йў-йў шим эса хатто тўпанимга етмасди, лагернинг тўмтоқ кирза бо-тинкасидан эскириб, қорайиб кетган пайтаванинг учари чикиб ётарди".

Асарда бир вақтлар — шахста сивиниш йиллариди киргинбаротларнинг бевосита иштирокчиси бўлган котилардан бири Бобров образи ҳам ниҳоятда таъсирли чикқан. Карант, бемор-муаллиф Соҳженициннинг ўзи ўша қама-қамалар жабрини тортди, энди эса мана олдсида, жанубда — анжирояи, Тошкентдаги шифоҳона яқинида хатто Соҳженициндан-да абтор собиқ жаллодга мадада бериб ўтиришти! Таваба, тақдирнинг шафқатсиз ўйинини карантки, кечалина соҳженициндарни аёвсиз асфалософимига жўнатган котилнинг ўзи хорү зор.

"Ўн панжа" ҳикояси бадийлиги жиҳатидан "Тула" архипелаги" асаридан кўра устун: сизни воқеалар эмас, қаҳрамонлар характеридаги турли товданишлар ром этиб боравериди, турфа образлар хатги-харакатлари ва ҳолати тасвирдан хайратта тушасиз.

"Тула" архипелаги" камокҳоналар ҳаёти акс этган илгона асар эмас. Унғача ҳам Россияда сим ортидаги муахши тафсилотлар бешафқат таққин этилган роман ва қиссалар оз эмас. Хусусан, биз Нобель мукофоти насиб этмагандар каторида тилга олган Фёдор Михайлович Достоевскийнинг "Ўлик уйдан мактублар" романи (Олим Отахонов таржимасида босилган) жаҳон адабиётининг нодинр аурдоналаридан бири саналади. Ганнинг пўстқалмасини айтганда, шу асарни мутлоаа қилган киши "Тула" архипелаги"ни кўлага олгиси ҳам келмай қолади. Негаки, "Ўлик уйдан мактублар"ни буюк динбинг юксяк бадийлик нури ёрғитиб турса, "Тула" архипелаги"да тасвирдан кўра касоскор, ёвузликлардан беэган шахснинг беадада изтироблари баёни устунлик қилади.

* * *

Соҳженицин шахсий ҳаётда ҳам зиддиятлардан қочиб кутула олмади. Ростов университетининг физика-математика факультети талабаси Александр Исаявич Наталья деган қизга ошиқу беқарор бўлиб қолганди. Эндигина ўн саккиз ёшта кирган йилгичанинг илқий саргузаштлари бошланиб кетди. Таваба Александр билан талаба Натальянинг ўтди муҳаббати охири-оқибат уларнинг бир ёстикқа бош кўйишига олиб келди. Бирок Александрнинг ҳаёт йўларида нималардир унға хавад берарди. Ҳаётнинг устга-уст келиб тушган аччиқ зарбалари унинг юрагини қон қилиб юборди. Аввалига жонини суғуртудек оғрита бошлаган оғир дард юзини заъфарон қилди. Сўнгра эса, бирдангина, кўкжисдан бошланиб қолган уруш оловлари уни ўз домига тортди. Шу тариқа севишгандарнинг муҳаббат қасри дарз кета бошлашига замин яратди. Эҳти-

МОА, У УРУШ ТУТАМАСДАНОК КАМОККА ОЛИНМАГАНДА, БАЛКИ ХАЁТИ БУНЧАЛИК ОСТИН-УСТУН БУЛАБ КЕТМАГАН БУЛАРМИ?

Солженицын бутун хаёти Давомида иккита қизни севиб қолган: қизини шунақки, икковининг ҳам исми Наталья. Яна шуниси хайратга содадиган воқеаки, кейинчалик Александр ҳам, Наталья ҳам бошқа-бошқа кишиларнинг севгимиси бўлишган!

Эҳтимол, Солженицын бир ошнасига Сталин ёқмаслиги ҳақида мақтуб ёзмаганида, умри умуман қамок нималигини билмай ўтиб кетарди, сим ортидаги даҳшатли хаётни бошидан кечирмасди, бу ҳақда "Тула архипелаги"ни ёзмасди ҳам, социализм айни авж палата кирганида жасорат кўрсатиб, унга очикдан-очик нафрат билан сўғорилган асарини ёзмаган бўларди. Демак, Нобель мукофотини ҳам олмаган бўларди, ўзининг яккаю ягона Натальяси билан осойишта хаёт кечирган, демакки, жасур дийб сифатида бутун дунёга доврўл солмаган ҳам бўларди.

Хаёт қизик. Иккала ошиқ ҳам ўз севган кишисидан воз кечиши жасоратми ёки оташин муҳаббатга хиёнат?

* * *

Швейцарияда, Америка Қўшма Штатларида рижкини териб еб юрган Александр Исаевич социализм Россияда қушлаяқун бўлганидан сўнг 1994 йилда Ватанига қайтиб келгач, унинг шухрати янда ошиб кетди. Хатто Президент бўлармиш деган узуқулак гаплар ҳам орадаб қолди. Лекин, алмағачон машхуралик шохсўпасини эгалаб бўлган ёзувчи ижтимоий хаётдан узоқлашиб кетолмади. Бойлик, молу дунё кўзига кўринмай қолди. Бир мисол. Унинг "Биринчи доирада" романи асосида ўн сериали телевизион бадалий фильм яратилганлигидан хабарингиз бор. Ана шу қартина учун айбта 30 минг доллар олиншини айтганида Солженицын кўл силтаб кўл қолди. Бир вақтлар сарик чақата зор бўлган қувғинди ёзувчи миллионер бўлишни хоҳламаганлиги ажабландирай ҳол. Бу — олдидик, ҳақиқаттўйдик рамзи эмасми?

Александр Исаевич хатто ўлимига бир неча ой қолганида ҳам ўтқир қаламини қўлдан қўймади. "Аргументы и факты" газетасида бутун саҳифани эгалаган бир неча макалаларини ўқитганман. Уларда муалфиф келажақда Россия қандай бўлиши кераклиги ҳақида дойиҳалар матни билан миллионлаб газетхонларни таништириб борди. 2007 йилда Германиянинг "Шпигель" журналига берган интервьюсида ҳам она Россияси хусусида тўлиб-тўлиб, ўқсиб-ўқсиб сўзлайди, юрати ачишиб сўзлайди, юрати ачишиб кетган-лигидан катта раҳбарларни ҳам савалашдан тоймайди, уларнинг аяб ўтирмай нораюн сўзлари билан сийдайверган.

Табиийки, Солженицыннинг "Аргументы и факты" газетасида босилган макаласидан сўнг ёзувчилар, раҳбарлар, олдий кишилар баҳсада фаол қатнашиб, қуон-чаклик билан сўз юртгадилар.

Кўриниб турибдики, маҳорати юксак чўққиларга чиққан улў дийдалардан кўра жасуралиги дунёни дарзата солган ёзувчиларнинг шухрати бекиёс бўлар экан кўп ҳолларда.

Ахир, ҳаққнинг юрагини забт этиш ҳам мисласиз маҳорат эмасми? Бунга Солженицыннинг хаёти ва ижодиди яққол мисол. Россия Солженицын сингари "ўжар", олий раҳбарлар йўригидан бош тортган ижодкорларни кўп кўрди. Яқиндагина, 1987 йилда, яъни Александр Исаевичдан 17 йил кейин Нобель мукофотини олмиш насиб этган Иосиф Бродскийни айтмайсизми? Бундан ятти ўн беш йил аввал, дунёдаги энг нуфузли мукофотни олгач, тўққиз йилдан сўнг қазо қилган Иосиф Александрович оташин шеърлар битди, аммо бошқа ижодкорлар каби социализмни кўкларга кўтарини хаётига ҳам келтирмади.

Россияликлардан бешинчи бўлиб Нобель мукофотини олган шoir, ажойиб эсселар муаллифи Иосиф Бродский ҳам Солженицын каби Америкада яшашни афзад билди, ўз юртига синамади.

Солженицындан олдидин Нобель мукофотини олган бошқа россиялик ижодкорлар — Иван Бунин, Борис

Ҷаҳида Бӯғева Ҷ.

Пастернак, Бродский социалистик жамиятта эида юк-
сак бадиий асарлари билан хаик калбини забт эта ола-
дилар. Александр Исаевич бўлса бадиий жихатдан
юкори савияда бўлмаса-да, совет вокелигини — ўзи
бевоСИта иштирок этган кабиҳликларни публицистик
руҳда жасурлик билан ёритиб берганилиги учун дунё-
нинг энг обрўли мукофотида сазовор бўлди.

Тўксон йил умр кўрган Солженициннинг билим,
тафаккур даражаси бекиис эди. Даглаб Ростов уни-
верситетини битирган адиб хатто Москва инстиуту-
нинг тарих, филология факультетини ҳам туталашта
муваффақ бўлганлигини айтмайсизми?

"Улу рус адабиети анъаналаридан озикданган маъ-
навий кучи учун" Нобель мукофотини олган адиб Тош-
кентдаги госпиталнинг шифокорлари мадади туфайли
рак касаллигидан омон қолганди. Аммо юрак хуружи
дарди 2008 йил эзида унинг изтироб ва ташишларга
тўла хайитга нуқта қўйди.

Дунёдаги хар бир ёруе фикрли ижодкор адибнинг
арсонавий хайти, хакикат руҳи билан сўраорилган ижо-
дидан ибрат олса арзийди.

МУНДАРИЖА
Юрагингда чўе борми?
(ҳикоялар)

Хайронгу аола.....4
Адил.....12
Кайру.....19

Истара хангодалари

Уа хотинингизман, хўжайини!.....26
Амордагуз солинг.....28
Уртиндай ёлғондан.....28
Нисомилгини дўстингизта.....30
Оиласи ўлаштирди.....31
Нурқошдан хотин.....32
Абди Қудннбоев бригадасида.....34
Повконник Абдуллаевман.....35
Обрўдан йўловчи.....36
Адамнинг бошиқа эди-ку?.....37
Икки миллионлик кула.....38
Анжир ейишга бормайсизми?.....39
Урчи... жиянингиз-ку.....40
Сўз эмас, ўк экан.....41

Бахт осмони

Эржак.....44
Илоидар.....61
Фол.....70

Сўжмоқларнинг кашф этилиши

Жозинба.....84
Сонинч.....99

Буюклар хайтидан давҳалар

Фидор Достоевский.....112
Лисидий Шукшин.....130
Арсона ва ва хакикат.....145

